

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 20-avgust • № 34 (4069)

ТИЛИМИЗНИ УЗУН ҚИЛГАН ИСТИҚЛОЛ

Ўзбекистоннинг истибоддан қутулиб, истиқлолга эришганига ўн тўққиз йил бўлди, буюк келажакка элтадиган озошлик йўлининг ўн тўққизинчи довоига етиб келдик. Тушовли тил, етовли дил даври тарихнинг қаридан қайтмас бўлиб жой олди.

Бугун “Ўзбек” деган калом, “Ўзбекистон” деган ном дунёдаги барча халқлар тилларининг сўз хазинасидан жой олиб бўлди. Бугун Ўзбекистоннинг ҳеч қандай тили қисқик жойи йўқ, ҳар қандай минбарда унинг тили узун. Юртнинг иқтисоди бўладими, сиёсати бўладими ёки маданияту маънавияти бўладими, барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар барчанинг: ўзимизнинг ҳам, хорижлик дўст ёки нодўстнинг ҳам кўз ўнгиди. Нега тилимиз узун бўлмасин?! Манамаман деган мутахассису арбоблар етти иқлимдан келиб, жаҳон молиявий инқирозидан чиқиб қадисини Ўзбекистондан ўрганиб кетсалар! Утказилаётган қўламли ислохотларнинг натижаси сифатида куни кеча боболёқон уйган галла хирмонининг салмоғи сал кам етти миллионга етиб турса... Бизнинг тилимиз узун бўлмай қимнинг тили узун бўлади?!

Бугун истиқлол боис шакланган тил сиёсати борасида ҳам тилимиз узунлигини мамнуният билан айтиш лозим. Ўзбекистондаги ҳолис тили сиёсати натижасида ўзбек тили давлат тили сифатида фаол ривожланиш йўлига тушди, юртимизда бирон-бир тилга нописандлик билан қаралмайди, уларнинг янги жири учун ҳам тегишли имкониятлар яратилган. Булар бежиз эмас, чунки тил миллининг бош белгиси, халқ ақлий ва руҳий дунёсининг ҳолис ойнаси. Қайси қавмга мансуб бўлишдан, қанча тил билишдан, қайси замон ва қайси маконда яшайдиган қатъи назар, инсон боласи, энг аввало, ўз она тили орқали ўзини билдиради, она тили орқали бу қўна дунёнинг сирини синаётларини инкишоф қилади. Курраи заминнинг турли минтақаларида кашфиёт йўлининг мунтазам машаққатларидан ҳузур туйган, қилни эмас, тил тилсимини қирқ ёриб, бу неъматнинг моҳиятига заррабин тутган алломалар (масалан, олмон олим Вильгельм фон Гумбольдт, америкалик Бенжамин Ли Уорф, япон Таданабу Цунода ва бошқалар)нинг ҳулосаларидаги муҳим бир жиҳатини шундай умумлаштириш мумкин: инсон дунёни қўзи билан эмас, балки тили билан қўради! Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир тил вақили дунёни ўз тили мантисидан келиб чиқиб фарқли тарзда қўради, эшитида ва идрок этади.



Муҳаммад АМИН («ЎзА») олган сурат.

САНЪАТ БОҒИ «НИҲОЛ»ЛАРИ

Ўн йил аслида тарих учун ниҳоятда қисқа фурсат бўлса-да, бошқа соҳаларда бўлгани каби юртимиз мусиқа бўстонида ҳам катта из қолдирди. Сўнги ўн йилда шундай ажойиб «ниҳол»лар ўсиб вояга етдики, улар билан фахрлансак арзийди. Таъбир жоиз бўлса, ниҳолларнинг дастлабки куртаклари бундан ўн йил аввал — 2000 йили бўй кўрсатганди. Шу йили Президентимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди.

Бу мукофот Мустақиллик йилларида ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганининг ёрқин далилларида биридир. Юртимиз ёшлари орасидан энг истеъоддиларни танлаб олиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис

этилган «Ниҳол» ўзини оқлади. Утган давр мобайнида 114 нафар ёш йигит-қиз Ватанимизнинг бу юксак мукофотига сазовор бўлди. Улар орасидан ўн олти нафари мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг уларга билдирган юксак ишончини оқлаб, ўзбек санъат

тини юксалтириш йўлидаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди. Нилуфар Сайтова, Дилфуза Раҳимова, Гулшод Абдиева, Самандар Ҳамроқуллов, Гулсанам Мамазоитова каби таниқли хонандалар бор. Мақсетбой Отамуродов ва Дилфуза Бекимбаева «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист» бўлишди.

Республикамизнинг чекка ҳудудларида ижод қилаётган истеъод эгаларининг меҳнат самарасини кенг жамоатчилик эътиборига хавола этиш, улар ижодини тарғиб қилиш мақсадида 2006 йилдан буён «Ниҳол» мукофотига номзод кўрсатиш ва улар орасидан энг муносибларини танлаб олиш уч босқичли тизимда ўтказилмоқда.

Саралаш босқичлари ҳар йили январ ойидан бошланади. «Ниҳол» мукофоти республика Кенгаши аъзолари ўзлари бириктирилган ҳудудларда бўлиб, ёш ижодкорлар билан учрашувлар ўтказишмоқда,

зарур тавсиялар беришмоқда.

Бу йилги «Ниҳол» мукофотининг биринчи босқичи 15 апрел — 15 май кунлари туман ва шаҳарларда ўтказилди. Эстрада ва анъанавий ижро йўналишида қатнашчилар сонининг кўпчилиги мазкур йўналишларга ёшлар ўртасида қизиқишнинг ортиб бораётганидан далолат беради. 15 майдан вилоятлар бўйича саралаш босқичлари бошланди. Шуниси эътиборлики, саралаш босқичларида ўн мингга яқин истеъодли ёшлар қатнашиб, улар орасидан 1061 нафари республика босқичида қатнашиш учун ўз имкониятларини синаб кўрди. Танловни баҳолаб борган нуфузли ҳайъат аъзолари санъатнинг анъанавий ижрочилиги, рақс, эстрада ва опера йўналишларида истеъоддорларини намоён этган 87 номзоддан 12 тасини «Ниҳол» мукофоти якуний босқичининг ғолиби деб топди.

Куни кеча пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мумтоз кўшиқ йўналишида халфа Лола Маҳаматдинова, бахши Жаңибек Пиёзов (Қорақалпоғистон Республикаси), Рўзихон Нурматова (Андижон вилояти), Юлдуз Турдиева (Бухоро вилояти), Сайёра Маматқуллова (Фарғона вилояти); рақс йўналишида Нигина Шорахметова (Тошкент вилояти), Дилноза Ортиқова (Хоразм вилояти); эстрада йўналишида Малика Эгамбердиева (Наманган вилояти), Мадинабону Мусаева, «Дурдона» гуруҳи (Тошкент шаҳри); опера ижрочилигида Маъсумоҳон Болтабоева, Барноҳон Исмаилов ва «Ниҳол» мукофотини қўлга киритдилар.

Ғолибларни юртимизнинг таниқли санъаткорлари, маданият ва санъат намояндалари қутладилар. Мукофот соҳиблари ва юртимиз санъат усталари ижросидаги концерт дастури тадбирга фойз киритди.

«Ниҳол» эгалари ижросида янграган куй-кўшиқлар, дилбар рақслар мукофот истеъодлар орасида энг истеъоддиларига берилганини яна бир қарра тасдиқлади. Зеро, юртимиз «Ниҳол»лари — санъатимиз довуғини жаҳонга ёйишга, ўз ичоди билан халқимизнинг руҳий ва маънавий дунёсини бойитишга бел боғлаган истеъодлар сони яна ўн иккитага ортди.

Гулчеҳра УМАРОВА

Ўн тўққизинчи дово

Давоми иккинчи саҳифада

Мана истиқлолимиз балоғат ёшидан ўтиб бормоқда. Ҳар йили истиқлол байрамими миллий байрам сифатида катта тантаналар билан нишонламоқдамиз.

Бу миллий байрамимиз менга ўхшаган адабиётшунослар учун, айниқса, Суйима ҒАНИЕВА, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби

АБАДИЯТГА ДАХЛДОР

унтилмас йил — «Алишер Навоий йили»да эълон қилингани билан гоят муҳимдир. 1991 йил тарихимизда янгича қараш, янгича муносабатлар, янгича интилишларнинг биринчи йили бўлиб қолди.



Мана шу ўн тўққиз йил мобайнида мен нималар қилдим, қарларда бўлдим, кимларни кўрдим, ўз вазифамни қандай бажардим, нималардан беҳад қувондим?.. Бу каби сарҳисобим моҳиятини белгилайдиган саволларим кўп. Утган йиллар мобайнида азалий қадриятларимизни, тарихимизни, улуғ аجدодларимиз қолдирган бой меросни англаб етишимиз, осори-атиқаларимизни тиклаш, таъмирлаш, маърифий-

тарбиявий жабҳада илғор ислохотлар ўтказиш каби жуда долзарб масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Шулар қатори динимиз ва эътиқодимиз, урф-одатларимиз ва меҳр-оқибатга оид тушунчаларимиз қадри ошди. Буларни амалга ошириш осон кечмади, нописандликлар, таҳдидлар бўлди. Лекин танлаган йўлимизнинг тўғрилиги халқимиздаги матонат, эзгуликлар иштиёқининг бекиёблиги таянч бўлди.

Давоми иккинчи саҳифада

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Қирққиз қалъаси сири» ҳужжатли филмининг тақдими бўлиб ўтди.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги бюртимасига биноан «Ватан» киностудиясида суратга олинган мазкур филмининг сценарий муаллифи ва режиссёри Комил Ҳамроев, илмий маслаҳатчи Гулсум Ҳўжамшукурова. Асарда ўн бир асар муқаддам қадим Термиздаги «Қирққиз қалъаси»да илмий фаолият олиб борган ўз замонасининг зиёли, олима аёллари Рухайдаи Даврон, Ҳурайда бинти ал-Ҳакима, уларга устозлик қилган аллома Аҳмад Устурлобий ас-

Соғуний ат-Термизийнинг буюк кашфиётлари, илмий қарашлари ҳақида ҳикоя қилинади.

— Вилоятимизда 2004 йилдан буён фаолият олиб бораётган «Қирққиз» хайрия марказида қўлэмалар фонди мавжуд, — дейди арабшунос олима Гулсум Ҳўжамшукурова. — Ушбу фондга жуда кўплаб китоблар келиб тушмоқда. Ўша китоблардан бири «Илм ун-нужум»ни таржима қилганимизда унда «Қирққиз» бобони учратдик. Унда айтилишича «Қирққиз» қалъа»сида академия бўлган. Атамашунослардан олинган манбаларга кўра, бу ерда қизларга қирқ соҳадан сабоқ берилиб, унга Ал Ҳаким ат-Термизийнинг қизлари Рухайдаи Даврон бошчилик қилган.

С. МЕЛИКУЛОВА

Дилноза КУБАЕВА: ҲАЁТ ТАЖРИБАСИ ЎЗИ БИР МАКТАБ



БИЛДИРИШ
25 август чоршанба куни соат 11.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида («Ўзбекистон» кўчаси, 16-в уй, 6-қават) Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзуда мушоира бўлади. Унга барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бадий наср кенгашида андижонлик адиб Қамчибек Кенжанин хорижда ватандошларимиз ҳаёти қаламга олинган «Палахмон тошлари» романи қўлэмаси муҳокама қилинди.

Қамчибек Кенжа ўзининг «Балик ови», «Гаров», «Яшил барг» ва бошқа ҳикоялари ҳамда шеърый тўпламлари, «Орзумандлар», «Тошқин» каби қиссалари, айниқса, Халқаро Бобур жамғармаси раҳбари Зокиржон Машрабов ташаббуси билан ташкил этилган бир қатор хорижий сафарларнинг фаол иштирокчиси сифатида ёзган туркум сафарномалари орқали кенг адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйотган захматқаш адибдир. Мазкур сафарлар

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

чоғида хорижда яшаб турган ватандошларимиз ҳаётини бевоқиф ва атрофича ўрганган ёзувчи кўнанинг 50-йиллар бошларидаги қатъий қараридан даврида Ўзбекистонни тарқатишга мажбур бўлган андижонлик бир навқирон йигитнинг инсоний қисмати таъсирчан қаламга олинган йирик насрий асари — дастлабки романини ёзиб тамомлади. Мазкур асар Шухрат домланинг «Жаннат қидирганлар» ва Ёқуббек Яқвалхўжаевнинг «Қайтар дунё» асарларидан

Кейин ўзбек адабиётида дунёга келган шу мавзудаги учинчи

роман, Ўзбекистон давлат мустақиллиги йилларида хориждаги ўзбеклар ҳаёти атрофича кўрсатилган дастлабки роман сифатида алоҳида диққатга сазовордир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али муҳокамани очар экан, адабиётимизда ўзига хос янги бир асар пайдо бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан

Низом Қамчибек Кенжа ижоди, хусусан, муҳокамага қўйилган янги романининг Андижон адабий муҳитида тутган ўрни, асарнинг мазмун-моҳияти хусусида атрофича маълумот берди.

«Жаҳон адабиёти» журналы бош муҳаррири вази-фасини бажарувчи таниқли шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзо, таниқли адабиётшунос олимларимиз ва адибларимиздан Абдулла Аъзам, Наим Каримов, Пирмат Шермухамедов, Маҳкам Маҳмуд Андижоний, Ортиқбой Абдуллаев, Адхамбек Алимбеков, Қозоқбой Йўлдошев, Абдунаби Бойқўзиёв, Отаули, «Шарк» НМАК муҳаррири Рустам Бойтўра

асарнинг қатор фазилатлари ва айрим қўсонларини аниқ таҳлиллар асосида атрофича кўрсатиб бердилар.

Чунончи, асар тилининг жозибадорлиги, тасвир тиниқлиги, бетақрор инсоний табиатга эга бир йигитнинг кечмиш-кечирмишлари, Қашқар ва Туркия заминиде бошидан кечирганлари, изтиробли муҳаббати таъсирчан қаламга олингани, лекин қўлэмасида жиддий ўйлаб қўрилиши шарт бўлган таҳриралаб жиҳатлар ҳам борлиги таъкидланди. Йигилиш сўнгида муаллиф билдирилган фикр-мулоҳазаларини инobatга олишни таъкидлаб, муҳокама қатнашчиларига мионатдорлик изҳор қилди.

Раҳимжон ОТАЕВ

АБАДИЯТГА ДАҲЛДОР

Бошланиши биринчи саҳифада

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридида мазкур сиймолар, уларнинг асарлари ҳақида гоят муҳтасар, лекин моҳиятан қимматли фикрлар билдирилиб: "Бундай бебаҳо асарларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт...", деган хулосага келинади.

Мазкур асарда Алишер Навоий ҳақидаги таъкидлар гоят мароқли, айтиш пайтда, жуда ўринлидир: "Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан қилиб келади..."

Бу соҳада кўп ишлар амалга оширилди. Навоийнинг тўла асарлар тўпламини нашр этиш ишлари охиригача етмай тўхтаб қолган эди. Истиқлол йиллари 13 — 20-йиллари босилиб чиқди. Айтиш кунлари "Тамаддун" нашриётида "Ҳазойин ул-маоний" таркибидаги тўрт девон нашрга тайёрланмоқда. Эрондан "Кохӣ Гулистон" музейида сақланаётган Навоий дастхатини олишга муваффақ бўлди ва у Навоий таваллудининг 550 йиллиги тантаналарида нашр қилинди. Шoirнинг "Муножот", "Сирож ул-муслимин" асарлари биринчи марта босилиб чиқди.

Ўтган ойда Афғонистон олимлари Навоийнинг Мозори Шарифда чоп этилган асарларини (тўққиз асари уч китобда, араб ёзувида чоп этилган) менга топшириб кетишди. Яқин орада бу нашрлар ҳақида матбуотда батафсил маълумот беришни режалаштирганмиз.

Истиқлол йиллари китоб, рисола, ўқув кўланмалари, мақолалар шаклидаги 280 дан ортқ меҳнат натижалари босилиб чиқди. Туркия (Анкара ва Навшаҳарда), Эрон (Техрон, Нишопур ва Кирмонда), Хитойда (Пекин шаҳрида) ўтказилган халқаро симпозиум, конгресс, илмий анжуманларда маърузалар қилдим. Хорижда ўндан зиёд мақолаларим чоп этилди.

Булар зинҳор изҳори фазл эмас. Бир томондан, "Интилганга толе ёр", деган мақолни айтганда. Иккинчи жиҳати, Ватанимда илмнинг қадри, илм аҳлига эътиборнинг етарли, эканлига, иш жойимизда муҳит соғлом, ҳамкасбларимизнинг дўстона ижодий муносабатларига далилдир.

Истиқлол йиллари буюк аждодларимизнинг мақбаралари таъмирланиб тикланди, атрофи боғу гулзорларга айлантирилди, зиёратчилар учун қулай жойлар барпо этилди, қадимжолар кўпайди. Буларга Президентимиз бош-қош бўлиб, мейморий жиҳатларига тавсиялар, маслаҳатлар асосида кўрсатмалар бериб турдилар.

Алишер Навоий нақшбандия тариқатига мансуб бўлган, бу ҳақда асарлариди ёзган. 1993 йили Баҳовуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги нишонланди. Баҳовуддин Нақшбанд мажмуаси — мазори, хонақоҳлар, масжид, мадраса, айвонлар жуда кўркам, шарқона мейморликнинг гўзал нақшлари воситасида тикланди. Ҳозир у ерлардан зиёратчилар қадами узилмайди. Қарийб 5 йил Самарқандда яшаган Алишер Навоий "Қасри орифон", деб аталган бу муқаддас жойларни бориб кўрган, деб ўйлайман.

Шу маънода Самарқанд яқинидаги Хартан қишлоғида буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг ёдгорлик мажмуаси ҳам Истиқлолимиз бахраларидандир. 1997 йил баҳорида алломанинг 1225 йиллигини нишонлаш ҳақидаги ҳукумат қарори чиқди. Имом Бухорий мажмуаси зиёратгоҳга айланди.

"Хастимом" мажмуасининг таъмири, янги миноралари, намозгоҳ, музей... Буларни кўриб ҳайратлансан. Абадиётга даҳлдор кечинмалар гирдобидида қолсан. Ана шу бунёдкорликлар яна Навоийни ёдга солиди. Навоий бунёдкорликка оид режаларида

1001 юмуш — янгидан яратиш, тиклаш, таъмирлаш ишларини ният қилган, шулардан 371 тасини амалга оширишга муваффақ бўлган экан.

Навоий 1497 йили Нишопурга боради. Фариддин Аттор қабрини зиёрат қилар экан, кайфияти ўзгаради. Кичиккина мақбара хароб аҳволда эканлигини кўриб, уни таъмирлаш, атрофини обод қилишни бошлайди.

2000 йили Нишопурда Умар Хайём вафотининг 900 йиллигига бағишланган халқаро конгрессда иштирок этдим. Аттор мақбарасига бордик. Зиёратчиларга бир ёши улуг одам Аттор ва мақбара ҳақида сўзлаб берди: "Сиз кўриб турган бу ҳашаматли мақбарани улуг вазира ва шоир Алишер Навоий қарийб 500 йиллар муқаддам шу ҳолда янгидан бунёд этган".

Истиқлол шарофати билан Навоий боғи очилди, Навоийга муҳташам ҳайкал ўрнатилди. Ҳар йили 9 февралда ҳайкал пойига гуллар қўйиб, буюк бобомизни ёдга оламиз.

Президентимиз Навоий меросидан халқимизни, айниқса, фарзандларимизни баҳраманд этишимиз керак, бу мерос қудратли маърифий ва маънавий қуролидир, деб ўқтирмақда. Ҳозирда олий ўқув юртининг гуманитар факультетларида, магистратура босқичида, академик лицейларда Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус курс ўқитилади. Навоийнинг таваллуд кунини 9 феврал миллий байрамдек кечади.

Шу йил 14 июнда Самарқандда ЮНЕСКОнинг тарихий ва маданий алоқалар марказида ўтказилган "Низомий ва Навоий: тарихий ва маданий алоқалар" халқаро анжуманида қатнашдик. Самарқанддаги бунёдкорлик ишларини кўриб лол қолдик. Шунда яна 1991 йилги Навоий тантаналарини, асрадим, Ушанда Регистондаги шодиёна, фавворалар, мушаклар, баланд янғавран мусиқа садолари остида томошабинлар устига атрофдаги осори атиқалардан тўкилаётган гардуборлар ҳазин таассурот қолдирган эди. Ҳозирда Регистонда ҳар икки йилда "Шарқ тароналари" фестивали ўтказилади...

Мана, яқинда мунажжимларимиз кашф этган кичик сайёрага "Самарқанд" номи берилди. Энди "Ер юзининг сайқали", деб шуҳрат қозонган бу қадимий ва навқирон шахримиз номида қоинот осмониди янги сайёра порлаб туради.

Президентимиз нуфузли халқаро анжуманларда XXI аср учун долзарб масалалар қатори Афғонистондаги вазият, оддий халқ аҳоли хусусида тақор-тақор безовталик изҳор этмоқда. Шу ҳақда ўйлаганимда доим Навоийнинг "Сади Искандарий" дostonиндаги бир кичик, лекин замонлар ва бугунги давр учун гоят долзарб бир ҳолат ёдимга тушади: Искандар Ҳиндистонга етиб борганида ҳинд подшохи дарвозаларни очиб, қаршилик кўрсатмаймиз, лашкар учун жой ҳам, егуликлар ҳам етарли, дейди. Шунда Навоийнинг Искандари: майли, мен кираман, лекин лашкар бешада (ўрмонда) қолсин, тинч аҳоли устига лашкар киритиб бўлмайди, оқибати фожиали бўлади. Лашкарим ичиди кимлар борлигини билмайман, улардан раият озор кўрса, сиз талофат кўрасиз, уларни жазоласам, мен талофат кўраман, дейди. 525 йил илгари Навоий XX — XXI аср учун жуда долзарб масалаларни кўтаргани ҳайратомуз эмасми? Афғон заминиди, 30 йилдан ошди, тинчлик йўқ, халқ озурда...

Юртимиз тинч, фарзандлар тақдирини ишончи кўлларда. Шаҳар ва қишлоқларда кўркам бинолар қад кўтармоқда. Ҳар соҳада ихтисослашган лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлири учун янги бинолар қад ростламоқда, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Ватан — муқаддас. "Ватанни севмак иймондандир" ҳадиси бежиз айтилмаган. Нималардан қониқсак, нималар билан фахрлансак, Ватанимиз ва халқимиз наздимизда намобён. Ватанимиз ҳозир ҳам, истиқболда ҳам буюк бўлиши мукаррар.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бу мураккаб оламни билиш, мунтазам тафаккур қилиш, қимдандир ўрганиш ёки қимгадир ўргатиш, муҳташам маънавий-маданий меросга чинакам ворислик қилиш, миллий ўзликини англаш, суюкли Ватан деган буюк туйғун юракдан туйиш, имону эътиқодни саломат сақлаш каби оддий одамлик ўлчовларини она тилидан айро ҳолда тасаввур этиш асло мумкин эмас. Зотан, Президентимиз боб-бот таъкидлаганларидек, "...Ўзликини англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намобён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир".

Она тилининг тарбияловчилик, жамиятда маънавий-маърифий мувозанатни сақловчилик қудрати ҳақида кўп гапириш мумкин. Америка социологлари аниқлаган маълумотларга кўра

ланди. Бир пайтлар юртимиздаги катта-кичик расмий йиғинларда бошқа тил "хўжа" бўлганлиги учун тилини тишлаб ўтиришдан ўзга чора топмаган ўзбекнинг тили давлатнинг муқаддас тимсолларидан бирига айлансан, унинг тили узун бўлмай қимнинг тили узун бўлсин?!

Мустақиллик боис, дунё билан бўйлашмоқ, етти иқлимдаги фан ва технология усталари билан сўйлашмоқ, пешқадам илм қаерда бўлса, ўша ерга бориб ўрганмоқ, хорижда юртимизни юксалтиришга хизмат қиладиган нима-

Мухтарам Президентимизнинг қуйидаги сўзлари, айниқса, тил илми ва таълимига даҳлдор ҳар бир кишига алоҳида масъулият юклайди: "Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойлиқнинг ворислиги сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгай-

ўлаштирилди, албатта, бу тушунчаларни ифодаловчи брокер, инновация, интернет, компьютер, лизинг, менежер, менежмент, мониторинг каби қўлпаб хорижий терминлар ҳам тилимизга кириб келмоқда. Тилимизга кириб келаётган бундай сўзларнинг йўлини тамоман беркитиб қўйишга уриниш мантиқли ва илмий ҳолисликка хос ҳаракат бўлмайди. Бундай сўзларни ўзлаштиришнинг аниқ меъёрлари ва тамойилларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бундай иш маълум даражада ҲЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида қилинган. Аммо мазкур хорижий сўзларнинг тилимизга кириб келиши янада жадаллашган бугунги кунда айтиш меъёр ва тамойилларини янада аниқлаштириш, мукамаллаштириш, энг оқилона бир шаклларга келтириш зарур. Ана шу мақсадда Тил ва адабиёт институти Республика Маънавият тарғибот маркази

билан ҳамкорликда шу йилнинг октябр ойида "Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлар муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий анжуманини ўтказишни режалаштирган.

Шуни ҳам очик айтиш лозимки, тилимизга кириб келаётган ёки ўзлашиб бўлган ҳар қандай хорижий сўзга гашлик билан қараш ноҳожиздир. Айтилик, футбол, волейбол, теннис, баскетбол, бокс, лизинг каби тилга кириб, ўзлашиб бўлган сўзларга ўзбекча муқобил излаш фойдали иш эмас. (Аммо турк тилшунослари, масалан, футболни *ayak toru* ("оёқ тўпи"), волейболни *el toru* ("кўл тўпи"), теннисни *alan toru* ("майдон тўпи"), баскетболни *sepet toru* ("сават тўпи"), боксини *yumruk oyulu* ("мушт ўйини"), лизингни *kiralama* ("қира қилиш") тарзида номлашни тавсия қилдилар. Бундай қилиш тилининг тараққиёти учун ҳеч нарса бермайди, албатта. Ўзлаштирилаётган хорижий терминларни тартибга солишда уларнинг маъносини ўзбек тилида юзаси тавсифлаш йўлидан (терминнинг ихчамлиги муҳим талаблардан биридир) бориш тўғри бўлмайди, бунинг устига, амалиётга кириб бўлган терминга ўзбекча муқобил излаш ва алмаштириш тилда бошбошдоқликни келтириб чиқаради.

Бугун давлат тили сифатида ўзбек тилининг қўлланиш доираси ҳаётимизнинг, ҳеч бир истисносиз, барча соҳаларини қамраб олган, аммо бир қатор соҳаларда, айниқса, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида, очигини айтиш керак, тилимизнинг янада бурро бўлиши учун тилшунослик ва тегишли фан йўналишлари вакиллари жиддий сайёҳаракат кўрсатмоқлари лозим.

Истиқлол шарофати билан тилининг тугунлари тамоман ечилган, тили узун бўлган тилшунослигимиз ўтган қисқа давр ичиди қўлпаб дарсликлар, монографиялар, турли лугатлар, оммабоп китоблар каби махсусотлар билан ўз ютуқларини намойиш этган бўлса-да, ўзбек тилининг расмий, илмий ва бадиий йўналишлардаги тақомил жараёнларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада чуқурроқ ва кенгроқ тадқиқ этиб боришга ҳамisha бурчлидир.

Низомиддин МАХМУДОВ, профессор



қаерда миллатнинг ўз илдишларидан кўпорлиши кўпроқ бўй кўрсатса, қаерда она тили қўлланиш доирасини тарайиши кузатилади, ўша минтақаларда жиноятчилик авжига чиқади, чунки у жойларда маънавият дунёси ҳалокатли даражада тораяди, қашшоқлашади, ҳатто маънавий мажруҳлик ва таназзул юзага келади. Бу кўна курраи заминда, ҳисоб-китобларга кўра, уч мингдан ортқ (ёки беш мингга яқин) тил бор. Шубҳасизки, ўзининг қадимий ёзув аънавосига эга бўлган, бетакрор бадиият дурдона билан жаҳон сўз ганжинисига салмоқли улуш қўшган ўзбек тили ўша тиллар орасида айрича ўрин тутати. Аммо талотумли тарихнинг турли эвришилари жараёнларида бу тил турли бегона зуғумлардан тўлғонди. Шукрларки, самандардек ўлмас ўзбек тили бугун йигирма етти миллионли Ўзбекистоннинг ўқтам ва умрибўқий давлат тили сифатида раванк йўлига кирди, Конституциямизда унинг давлат тили мақоми кафолат-

ниш эҳтиёжи ортди. Хорижий тилини билиш ҳар ким интиладиган фазилат мақомига чиқди. Буюк келажак бўсағасида турган Ўзбекистон учун бу мулақо табиий ва зарурий ҳолдир. Айтиш пайтда чет тилларни ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Чунки она тилини ўнатиш ҳисобига ўрганилган хорижий тил она тилининг ўрнини босиб олиши мукаррарки, бунда миллий тафаккур ва миллий идрок илдишдан кўпорилади, бутунлай бошқа, бегона тафаккур ва бегона идрокка айланади. Шунинг учун ҳам хорижий тил таълимида она тилига алоҳида аҳамият берилмоғи шарт. Кўпинча, аксар ёшлар инглизча ёки бошқа бир чет тилини билишдан ҳақли равишда фахрланади, лекин она тилини билмаслигини катта қулфат, фавқуллода фақирлик эканлигини ҳамisha ҳам идрок этолмайди. Инглиз тилида бўлбул бўлиб сайрайдиган, аммо она тилига нописандилан қарайдиган ўзбекдан миллий туйғу излаш мантиқсиз бир ҳаракатдир.


ли босқичдаги таълим муассасалари учун яратилган дарслик ва бошқа ўқув адабиётларида ҳам ана шундай янги-янги фанларнинг қўлланилиши ифодасини топган. Тилимизнинг тараққиёт тамойиллари қандай бўлса ўшандайлигича, кимсадан изан сўрамасдан, бошқа тилдан андоза олмасдан илмий тарзда белгиланмоқда, тадқиқотларда ҳолис кўрсатиб берилмоқда.

Табиийки, Юртбошимиз томонидан қўйилган вазифалардан бири, яъни фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш масаласи, энг аввало, мазкур соҳалар терминлогисини чуқур тадқиқ этиш ва шу асосда тартибга солиш бўйича тегишли илмий тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, мазкур соҳаларнинг аксариятига дунёдаги энг илғор техник-иқтисодий тушунчалар

“Ўзбекистон”

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши чет эл жамоатчилигини халқимиз санъати, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан таништириб бораётган, айтиш пайтда халқаро маданий-маърифий алоқаларни халқ дипломатияси йўли билан ривожлантиришга ҳисса қўшаётган нодавлат ташкилотлардан бири.



Таркибида 35та хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятла-

Журналларни варақлаганда

ри бўлган мазкур кенгаш бир неча йилдан бунён "Ўзбекистон" ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп журналин нашр этиб келмоқда. Кўни кеча журналнинг 2010 йил 1-2-сонини босмадан чиқди. Журнал С. Фуломовнинг Осие тараққиёт банки бошқарувидаги кенгашининг 43-йиллик мажлиси якунларига бағишланган мақоласи билан очилади. Турли рунқлар остида берилган "Аёл ва жамият", "Тасан-

но-2009", "Дўстлигимизнинг маданий маркази", "Қино санъати — дўстлик элчиси", "Ҳазрати Имом (Хастимом) тарихидан", "Лавҳ", "Ҳамкорликнинг чегараси йўқ", "Наврўз — маънавий баркамоллик элчиси" каби мақолаларда юртимизнинг бугунги кунини, тарихини, маданиятини ва санъатини қадриятлари ҳақида сўз боради. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган журнал Ўзбекистон ҳаётига оид турли мавзудаги чиройли рангли суратлар билан безатилган.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Балий академияси марказий кўрғазмалар залида мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танловига тасвирли ва фото санъати йўналиши бўйича топширилган ижодий ишлар намойиш этилди. Кўрғазманинг очилишида мамлакатимизда санъатга, ҳусусан, тасвир санъатга кўрсатилаётган юксак эътибор ва илмий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар хусусида сўз борди. Ижодкорларнинг эркин ижоди ва изланишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Тасвирли ва фото санъати йўналиши бўйича тақдим этилган ишлар жанр, услуб ва мавзу бўйича ранг-баранг ва кен қамровли бўлиб, уларда истиқлолнинг ҳар бир юртдошимиз ҳаётидаги ўрни, барча жабҳаларда эришаётган ютуқларимиз, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимиз акс этган. Халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, самимий ва меҳнатқаш ҳамюртларимиз қиёфаси ёрқин рангларида тасвирланган.

Р.ТОШПЎЛАТОВА, «Туркистон-пресс»

САҲНА ОРТИДАГИ ТАНГО

Тошкент Фото уйда Ўзбекистонда илк бор аргентиналик ижодкорнинг кўрғазмаси очилди. Ушбу кўрғазмада аргентиналик фотосуратчи Эрнан Лоренсоннинг "Саҳна ортидаги танго" туркум асарлари намойиш этилмоқда. Танго — доимо ўзгариб турувчи мусиқа, рақс ва кўшиқдан ташкил топган шижоатли санъат тури бўлиб, аргентиналикларнинг севимли миллий рақси ҳисобланади. Профессонал фотосуратчи Эрнан Лоренсоннинг экспозициясини Буэнос-Айресда ва танго ихлосмандлари клубларида ўтказиладиган иккита йирик шоу тадбирларида таъсирга олинган фотосуратлар ташкил этади.

Кўрғазма Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Балий академияси ва Аргентина Республикасининг

С.ҚОСИМОВА

Кўрғазма залларида



ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги музейлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида либослар учун шкаф харид қилиш бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади.

Танлов очик турда ўтказилади. Унда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ҳамда сифат ва баҳо борасида харидоригир махсусот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин. Танлов ўтказилиши ҳамда харид қилинадиган махсусотлар билан боғлиқ барча қўшимча маълумотларни олиш учун Маданият ва спорт ишлари вазирлигига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар кун соат 10:00 дан 17:00 га қадар куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги. Телефонлар: (8-371) 239-45-50, 239-46-11.

Танловда иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги лицензия билан бирга ўз тақлифларини Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қўқориди қайд этилган манзил бўйича 2010 йил 30 август соат 15:00 дан кечикмаган ҳолда тақдим қилишлари лозим. Кўрсатилган муддатдан кечикканларнинг мурожаатлари инобатга олинмайди.

РАСАМАД

Ўзбек матншунослигининг илдири теран. Туркий тилда матн тузиш аънаъна юзага келибдики, унинг билан исма-из матн билими (матншунослик) ҳам эврга кела бошлаган; матн тузишнинг йўл-йўриқлари, принциплари ва назарий асослари ишлаб чиқилди, фан сифатида юзага келган эди.

Ўзбек матншунослиги ўзининг тарихий тараққиёти давомида бир қанча юксалув босқичини кечирди. Илкин босқичи VI-VIII юзйилликларга тўғри келади. Унинг изларини, матнга илмий муносабат, таянч ҳамда асосли матн тузиш борасида тўпланган билим ва тажрибаларнинг амалдаги тadbқиқни ҳоқонлар, давлат арбоблари, саркардалар хотирасига битилган кўна монументал матнларда — кўк турк битигларида кузатамиз. Кўк турк битиглари ўтганларнинг хотирасига тикланган ёдгорликлар бўлувчи қарамай, уларда матн тузишнинг аниқ принциплари ишлаб чиқилган эди. Қизиқ бир ҳодиса: адиб ва тарихчи Йўлуғ тигин 732 йили, отасининг топшириғига қўра, амакиси Кул тигин хотирасига атаб битиг ёзган.

Орадун кўп ўтмай, 735 йили ўз отаси Билга ҳамда кўна монументал матнларда атаб ўрнатилган битигни ёзишда ҳам худди ўша йўлни тутган: ҳатто биринчи битигдаги матннинг катта бир бўлагини олиб, уни тахрир қилиб, иккинчи битигга ҳам киритган. Йўлуғ тигиннинг матншуносликдаги ютуқларидан бири шунда эдики, у тарихий матн тузиш принципларини ишлаб чиқди. Улуғ адиб бошлаб берган аънаъна кейинги даврларда ҳам давом этди.

кун келиб бошқа тadbқиқотларнинг йўлини тўсиб қўйиши ҳам мумкин. Жўнғина бир мисол. Тил тарихида “олов” маъносидagi ўт билан “ўтмак” (фелъ) маъносидagi ўт, ёки “юқори ўрин” маъносидagi тўр билан “тузок” маъносидagi тўр сўзлари бир-бири билан омоним эмас, бутунлай ўзга сўзлардир. Уларнинг талаффузи ҳам фарқ қилган: бири ингичка талаффуз этилса, иккинчиси йўғон ўзаклидир. Ҳозирги ёзувга ўғираётган матншунос, табиийки, уларни ўт ҳамда тўр шаклида беради. Мабодо сиз матндаги сўзларнинг саноғини билиш учун компьютерга киритсангиз, компьютер сўзларнинг ёзилишига қараб, уларни қоритириб юборди, сўзларни хато ҳисоблаб чиқди. Бу эса тарихийликка зид (Буни ўзимизча тўкиб эмас, ҳозиргача яратилган айрим ишлар мисолида айтмоқчимиз). Шу йўлдан бориладиган бўлса, қанчадан-қанча сўзларни бой берамиз. Транскрипцияга амал қилмаслик оқибатида келиб чиқаётган шу ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлар бир дунё.

Илмий транскрипциянинг фойдаси катта: у

Матншунослик муаммолари

матн тилини яхши акс эттиради; матн талқинини энгиллаштиради. Матнни ишончли манбага айлантириб, у асосида яратилажак бошқа тadbқиқотларга кенг йўл очади. Қолаверса, унинг чет эллардаги ана шу соҳа мутахассислари учун ҳам тушунарли бўлувчи таъминлайди.

фат муаллифи классик ижодкорларнинг асарларида қўлланилган сўзлар қаторида **сиғнак** сўзини тилга олади. Луғатчи сўз маъносини изоҳлар экан, у муайян ёзувнинг оти эканлиги, Заҳриддин Бобур ўз фазаларидан бирида уни тилга олганлигини таъкидлайди ва фазалардан ўша байтини мисол келтиради. Луғатда берилиши шундай: **Сиғнак** — бир нав хатдур, Чигатойда хат-и бобурий ва байри киби-ке, Бобур мирзо ашборинда келур. Байт:

Хулбар хатти насбиб бўлмаса, Бобур, не тонг, Бобурий хати эмасдур, хат-и сиғнақиймудур. Илк манбада тилга олинган **сиғнак** истилоҳи, чамаси, ўрта асрлар Сирдарё бўйидаги турк маданий марказларидан бири бўлган шаҳар отига боғланади. Ана шу ўлкада қўлланилган ёзув шундай аталган бўлуви мумкин.

Сиғнак хатининг намуналари ҳозирча маълум эмас. У қадимги туркий ёзувлардан бири бўлуви керак. Аниқланганга қадар бу масала очик қола турсин. Бирок, нима бўлганда ҳам, бу ўринда ўзбек ёзуви маданияти тарихидаги унутилган икки хат — бобурий ва сиғнак ёзуви тўғрисида маълумот келтиришмоқда. Биз учун шуниси муҳим. Луғатдаги ана шу маълумотнинг ўзи ҳам ёзув маданияти ҳақидаги билимларимиз чегарасини кенгайтиради.

Матнни нашрга тайёрлаш жараёнида унинг талқини, интерпретацияси ҳам ўта жиддий саналиб, мутахассисдан катта билим ва теран мушоҳадани талаб этади. Қадимги туркий матнларни талқин қилиш чоғида тилнинг тарихий тараққиёти давомида сўзлар, бирикмаларда кетган маъ-


ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН ЯРАТИШ ЗАМОН ТАЛАБИ

Матншунослик тарихида теурирлар даври катта бир юксалиш босқичи саналади. Бу даврда ўзбек матншунослигига классик асарларни ўрганиш ва уларнинг таянч нусхаларини яратиш борасида катта ютуқларга эришилди. Матншунослик тарихида илмий-танқидий матн тузиш тамойиллари ана шу кезлари ишлаб чиқилди. Бунга Бойсунғур мирзо кўл остида Фирдавсий “Шохнома”сининг танқидий матни яратилганлиги ўрнатқ бўла олади. Матн сўзбошисини ҳам Бойсунғурнинг ўзи ёзган эди. Ёки Хўжа Арслонхон кўл остида, унинг кўрсатмаси билан Адиб Аҳмад Югнаки қаламига тегишли “Хибаб ул-ҳақойиқ” асарининг йиғма матни яратилди. Ушбу таянч матни 1444 йили Самар

Асарнинг илмий матнини тайёрлаш ниҳоятда мураккаб жараён. Илмий матн яратишда, айниқса, илмий-танқидий матн тузишга баъзан салбий ҳолатларга йўл қўйиш ҳеч га эмас. Табиийки, ҳар қандай олим матнга ўзи билганича ёндашади. Шунга қўра ҳам яратилган ҳар қандай илмий-танқидий матн нисбийдир. Матншунос асарнинг икки қўлёмасини солиштириб, ўзининг талқинига ишониб, тўғриси шундай бўлса керак, деган ўй-хаёлда учинчи бир ясама матнни яратиб қўймағилар керак.

Илмий матн тузишда энг тўғри ва ишончли йўл асарнинг турли қўлёмаларига асосланиб, унинг йиғма-қийсий матнини яратишдир. Матншунос барча илмий қоидаларга асосланиб, ана шундай илмий матнни ярата олса, соҳада қалқиб бўлади. Ушбу матн асосида бошқа тadbқиқотчилар ўз ишларини ярата оладилар.

Ўтмиш матнчилигининг муҳим белгиларидан бири шундаки, матн битгучилар, ўқимишчилар матн мазмунига, унинг тузилиши, услубига жиддий эътибор қаратиб келганлар. Матн тузиш жараёнида ўзларидан аввал тўпланган билим ва тажрибаларга, классик аънаъналарга изчил амал қилинган. Қай замонда кўририлишидан қатъи назар, матнни аслидек сақлаш қотиблар.



қанда Зайнулобидин баҳши уйғур хатида тузиб чиққан. Асарнинг қолган нусхалари эса ушбу таянч матн асосида яратилган.

Ўтмиш матншунослигининг диққатга сазовор муҳим белгиси — аънаънавийлик ва улуксузлик, шу соҳада тўпланган билим ва кўникмалар амалда қўллаб келингани билан ўлчанади.

Ҳозирги замон матншунослиги ўтган асрнинг 30-йилларидаги суронли даврлардан кейин янгидан, айтиш мумкинки, йўқ ерда бўй кўрсатди. Шундай эса-да, оқ фурсатда фаннинг илгор ютуқларини эгаллаб, катта мавқега қўтарилиб улғурди. Матншунослигимизда ўтган давр ичида катта ишлар амалга ошди. Қувонарлиси, ҳозирги ўзбек матншунослиги, айрим йўналишларда, амалий соҳаларда, араб ёзуви манбаларини ўрганишида етакчи ўринда туради. Бирок матншунослигимиз бу ютуқларда тўхтаб қолмаслиги, ҳар қачон ҳам дунёдаги илгор ўринларни эгалламоғи керак. Эски ва бой ёзма меросга эга бўлган халқнинг матн билими ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Тинимсиз изланишлар, ҳозирги замон матншунослигининг илгор ютуқларига таянган билим ва тажрибаларига соҳа келажагига йўл очади. Бунинг учун, бизнингча, қуйдаги жиҳатларга эътибор қаратилгани маъқул.

Бизга қадар сақланиб қолган ёзма ёдгорликлар, битиглар турлича муносабатни тақозо этади. Айрим матнлар бир ёки икки нусхада етиб келган, айримларининг эса қўлёмма нусхалари кўп. Баъзи матнлардан бир варақ ёки кичик бир узинди сақланган, холос. Айниқса, буддизм, монийлик даврларидан қолган матнларда бундай ҳолат кўп учрайди. Бунга бир мисол. Берлин академиясининг қўлёмалар фондига Турфондан топилб келтирилган кўп сонли ёзма ёдгорликлар сақланмоқда. Улар ичида U 0044 сонли остидаги матн узиндиси бор. У монийлик даврида яратилган йирик бир асарнинг қолдирдир. Монийлик давридан сақланган насрий асарлар у қадар кўп эмас. Лекин ушбу узинди-матннинг ўзёк монийлик даври адибети жанрлари доирасини кенгайтиради, бизни ўша асарлар устида ҳам бош қотиришга ундайди.

Баъзи ҳолатларда қайсидир тарихий асарда, тазкирада ёки бирор илмий манбада келтирилган қисқа маълумот ҳам йирик илмий масалани очигина ёрдам беради.

Бир мисол. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарига Адиб Аҳмад ҳаёти ва ижоди тўғрисида ўта муҳим маълумотни келтирган. У маъшойх ва адиб ижодига юксак баҳо бера туриб, унинг мавозийдан байтлар келтирган. Қизиғи шундаки, “Насойим ул-муҳаббат”нинг фанга маълум бўлган қўлёмаларида Навоий келтирган байтларнинг сонини ҳар хил: Санкт-Петербургда сақланаётган қўлёмасида уч байт, қолган нусхаларида эса икки байтдан иборат. Мисолини Санкт-Петербургда нусхасидан келтирамиз:

Улуғлар не берса, емасмен дема,
Илк суя, азиз ур, емасан ема.
Яна бу ҳам аниқдурким:
Талиғини тия тут, тининг синамасун,
Бу турпан халойиқ сента қулмасун.
Бу ҳам аниқдурким:
Сўнғакка илгидур, эранга билег,
Билгисиз эран-ул илгисиз сўнғак.
Мутахассис эътиборини тортадиган ўри — учинчи байтнинг иккинчи мисраси қўлёммада **Билгисиз эран-ул сўнғаксиз илгиз** шаклида берилган ва **сўнғаксиз илгиз** бирикмасининг остига **илгисиз сўнғак**, деб ёзиб қўйилган. Асарнинг илмий-танқидий матнини тузганда бунинг байтнинг маъносидан келиб чиқиб, **Билгисиз эран-ул илгисиз сўнғак** шаклида тикланса тўғри бўлади.

Яна бир жиҳати, асарнинг М. Мирзоахмедов ва тайёрлаган Тошкент нашрида ҳамда К. Эраслон тузган Истанбул нашрларида юқоридаги байтларнинг биринчи ва учинчиси келтирилган, иккинчиси йўқ. Чунки улар асосланган таянч нусхада шундай.

Янада муҳими, Навоий келтирган байтларнинг иккинчи ва учинчиси Адиб Аҳмаднинг “Хибаб ул-ҳақойиқ” асарига бир оқ ўзгарган кўринишда учрайди. Лекин биринчи байт асарнинг бизга маълум бўлган таянч ва энг тўлиқ нусхасида ҳам йўқ. Демак, Навоий ушбу байтни Адиб Аҳмаднинг бизга маълум бўлган панд-насиҳат рўҳидаги бошқа бир асаридан олган. Манбадаги бу мисол адабиётшуносларимизга яна бир вазифани юклайди: Адиб Аҳмад Югнакийнинг ижоди тўғрисида фикр юритганда ўша бизга етиб келмаган асар ҳам кўзда тутилмоғи керак бўлади.

Энди эътиборингизни “Абушқа” луғатида келтирилган муҳим бир маълумотга қаратамиз. Луғат муаллифи классик ижодкорларнинг асарларида қўлланилган сўзлар қаторида **сиғнак** сўзини тилга олади. Луғатчи сўз маъносини изоҳлар экан, у муайян ёзувнинг оти эканлиги, Заҳриддин Бобур ўз фазаларидан бирида уни тилга олганлигини таъкидлайди ва фазалардан ўша байтини мисол келтиради. Луғатда берилиши шундай: **Сиғнак** — бир нав хатдур, Чигатойда хат-и бобурий ва байри киби-ке, Бобур мирзо ашборинда келур. Байт:

но ўзгартирилари, услубий ўлчовларда юз берган фарқларни ёдда тутишмоғимиз керак. Бурунги меъёрлар ҳозирги ўлчовларга тўғри келаверилади. Матннинг мураккаб услуби, сўз маънолари баъзан асарни тadbқиқ этаётган мутахассисларни ҳам қалғатади. Ҳозирги замон нашрларида айрим сўзлар, сўз бирикмалари, ибораларнинг хато талқин қилинаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Бунга бир мисол келтирамиз.

Қадимги Будда муҳитида яратилган “Олтин тусли ёру” асарига ога-ини тигилар қиссаси берилган. Ўша қиссада кичик тигиннинг барс қаршисига келиб, ўзини қурбон қилиш олдидagi ҳолати тасвир этилади. Ўша ерда **бек қатиг сав сўзлади**, деган жумла бор. Буни С.Е. Малов рус тилига: “очень сильно(громко) воскрица, сказал (громкими) голосами”, дея таржима қилган. Сутранинг ўзбекча нашрида эса ушбу бирикмени “жуда қаттиқ сўз сўзлади”, деб берадилар.

Шу ўринда матнда берилган бирикманинг маъносини кўриб чиқсак. Қадимги туркий тилда **сав** — “сўз” дегани. Бирикмадаги **бек** сўзи “мустаҳкам, қаттиқ” маъносини беради, **қатиг** сўзи ҳам аини тушунчада, уларнинг иккови биргаликда, жұфт сўз кўринишида — “ўта қаттиқ” маъносини англатади. Бирок у матнда **сав** сўзининг сифати вазифасида қўлланилган. Шунинг учун қўма маънога эга: сўзга нисбатан “яширин, кўнгилнинг тўб-тўбидagi”, деган тушунчани беради. Ўз ўрнида у истилоҳга айланмоқда: **бек қатиг сав** — кўнгил тўбига яширинган сўзлар, яъни “тилэк”, **дуо”ни билдиради.**

Ана шуларга таяниб, талқинда юқоридаги бирикмени “кўнгил тўбидagi сўзларини сўзлади [яъни ниятларини айтди; дуо қилди, дуосини сўзлади]” дея талқин этилгани маъқул. Матнда шундан кейин кичик тигиннинг тилиги (дуоси) ҳам ўрин олган.

Асарнинг илмий матнини тузиш жараёнида асар яратилган давр тили, ўша давр ижтимоий-сифий тарихи тўлалигича инобатга олинмоғи керак бўлади. Акс ҳолда, матншунос жўн бир ерда чалғиши ҳеч га эмас: ўша сўзга хато ўқийди ёки талқинда адашади. Бунга бир ўрнатқ келтирамиз. Шохрух мирзонинг юртга эгаллиги чоғида уйғур хатида ёздирган ёриқларидан бири сақланиб қолган. Ҳужжат 1422 йили битилган. Уни францўз шарқшуноси Ж. Дени фанга маълум қилган эди; ўқилиши ва мазмунини ҳам биринчи бўлиб шу олим келтирган. Фанга олиб килирилгани ва биринчи бор ўқилуви ўз замони учун катта кашфиёт. Лекин камчилиги бор: ўқилиши ва мазмунида айрим хатолар кетган. Масалан, олим ҳужжат бошламасидagi бир сўзни **тўйунларга** кўринишида ўқиб, францўзчада Aux moines(bouddiques)(буддавий роҳибларга), дея талқин этади. Унинг матни ва талқини бошқа олимларни ҳам қалғитиб қўйди. Чунки, тарихчи А. Григорьев расмий ёзма-нинг бошламаси тўғрисида фикр билдириб: “Шохрух битиги” будда роҳибларига” қиратилган. Бирок матн мазмунидан ҳужжатда берилётган имтиёзлар будда роҳибига эмас, мусулмон руҳонийсига берилганлиги аён бўлади. Шунинг учун ўша кезлари “тўйун” истилоҳи буддавий руҳонийлардан ташқари, бошқа динга эътиқод этувчи кишиларга нисбатан ҳам қўлланилган бўлуви мумкин”, деб ёзган эди. Асл матнга эътибор қилинса, бошқа бир манзара: бу сўзнинг будда роҳибларига буткул боғлиқлиги йўқ; у **тўйунларга** эмас, **девоңларга**, деб ўқилади. Бу сўз матн бошламасининг адресати бўлиб, тўлиги **Шохрух баҳодур сўзун девонларга** деган мурожаатни англатади. Матни ана шундай ўқилганда унга муносабат ҳам ўзгарарди.

Ўзбек матншунослигининг келажак тўғрисида бош қотириш ҳам ҳозирги олимлар зиммасида. Соҳанинг келажакчи таъминламоғи учун ёш кадрлар тайёрлашга эътибор бермагимиз, бу соҳани ёшартириш йўлини излашимиз керак. Масаланинг ечимини олий ўқув юртиларида шу соҳани чуқур ўқитишдан бошланади. Шунинг учун олий ўқув юртиларининг филология ва тарих факультетларида матншуносларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоғи керак. Бу иш, имкон бўлса, бакалаврлик босқичида бошлангани дуруст. Магистратура босқичида эса талаба бу соҳани анча эгаллаб олади.

Бу борада Тошкент давлат шарқшунослик институтида катта ишлар қилинмоқда. Мумтоз филология йўналишида бакалаврлик босқичидан бошлаб талабаларга кўк турк, уйғур, араб ёзувидаги манбалар, улар устида ишлаш, унинг йўл-йўриқлари ўргатилмоқда. Шунинг билан бирга, институтида араб ва форсий манбаларни ўрганиш устида ҳам жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими, ишларнинг ўзи бу соҳани қизиқиб ўрнабётди. Институтида эканлиги чоғида Шарқ қўлёмаларини, эски битигларни ўқиб, унинг ичига кириб, кўзи пинҳан ишлардан келгусида яхши ишларни кутса бўлади.

Косимжон СОДИҚОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Қудратулло ОМОНОВ,
филология фанлари номзооди, доцент

Бу сўзни ўқитишга билан ҳаёлигингиздан: “Ўзбек адабий тили шундай сўз ҳам бормикан?”, деган савол ўтиши мумкин. Ушбу сўз муомалада кам қўлланилганлиги учун ҳам шундай савол туғилиши табиий. Аммо, ишонаверинг, ўзбек адабий тили шундай сўз бор. “Ўзбек тилининг имло луғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да мазкур сўз мавжуд. “Ўзбек тилининг имло луғати” (“Фан”, 1976) 349-бетда “расамад” сўзига алоҳида ўрин берилган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса (1-жилд, 1981, 615-бет) бу сўз баътафсил изоҳланган. Аслида, “расамад” — ўзбек адабий тилига форс-тожик тилидан кирган сўз бўлиб, асрлар мобайнида ўзбек тилига сингиб, ўзлашиб кетган.

Айтилик, бир хондон маъракасиди катта қозонда сумалак ёки ҳалим пиширилди. Эҳсон таом сузиладиган пайтда ошпаз ёки оқсоқол уйнинг эгасидан неъматини халққа қанчадан тақсимлаб тарқатишини сўрайди. Одамлар эҳсон таомдан ўз уйларига олиб кетиш учун ҳар хил идишлар олиб чиқилиши: челақ, бидон, тоғора, бонка, коса, пиёла ва ҳоказо. Улар олиб чиққан ҳар бир идишга тўлғазиб берилса, таом ҳаммага етмай қолади. Таом ҳаммага етилиши учун инсоф юзасидан маълум бир меъёр (ўлчам)ни белгилаб олишга тўғри келади. Масалан, ҳаммага бир хил — катта чўмич билан бир чўмичдан. Уйнинг эгаси шу вазиятдан келиб чиқиб: “Расамадга қараб тарқатаверинг”, дейди. Жавобдан: “Ҳаммага етарли қилиб тақсимланг”, деган маъно аниқлашади.

Дарвоқе, изоҳли луғатда сўзнинг маъноси қуйидагича изоҳланган: “Тақсимотда ҳар бир киши ёки ҳар бир нарсага тўғри келган қисм; улус”. Сўзнинг маъноси муваффақиятли даражада изоҳланган эмас. Шунга қарамасдан, келтирилган мисоллар ёрдамида сўзнинг маъно қирраларини маълум даражада ойдинлаштиришга эришилган. Жумладан, сўзнинг “қилмоқ” фелъи билан бирга қўлланилган шакли бўлиб изоҳланган: “Расамад қилмоқ, — Уртоқларимга яхши кўришиш учун, расамад қилмоқ кўрсатилмаган бўлса ҳам, ёг ёнича туҳунини қўшиб олиб борини ўзимга маъқул қилган эдим, — деди Шум бола. Ф.Ҳулом. Шум бола”. Албатта, сўз бир тилдан бошқа тилга ўтса, унинг маъноси ўзгаришларга учрайди ва у ўзгарган маъноларда ҳам қўлланилади. Келтирилган мисолда ҳам шундай ҳолат акс этган. Ҳолбуки, изоҳли луғатда биринчи навбатда сўзнинг ўзгармаган ҳолатдаги маъно қўлланишлари изоҳлангани лозим. Бундан ташқари, келтирилган жумлада “расамад қилмоқ” сўз бирикмаси қўлланилмаган, гапда “расамад” сўзи “тақсимот”

маъносиди ишлатилган. Сўзнинг бодловчи билан бириккан шаклда қўлланишига қуйидагича тўғри изоҳлар берилган: “Расамад билан 1) тўғри тақсимлаб, бўлиб. Ерега расамад билан ўғит солмоқ. — Уртага кадоб келди. Аззамжон ака ўз қўли билан икки-икки сикдан расамад билан меҳмонларининг илқоччасига қўйди. С.Аҳмад. Луғурт”. Ушбу изоҳларнинг тўғрилиги шундаки, “расамад” форс-тожик тилидаги “расилдан” — (“етмоқ”, “тегмоқ”) фелъидан олинган бўлиб, бирор-бир нарсанинг кўпчиликка қанча миқдордан етиши, тегиши, етарлилик миқдорини билдиради. Нарса мана шу етарлилик миқдоридан келиб чиқиб тақсимланади. “Расамад” сўзнинг вевосита маъноси — етарлилик, тақсимот, тақсимлаш ёки тақсимланган эмас. “Ерга расамад билан ўғит солмоқ” деганда, ўғит миқдорининг ўғит солинаётган ер майдонига етарлилик даражаси тушунилади. Агар расамад билан солинмаса, ўғит ўша ерга етмай қолади мумкин. Иккинчи гапта ҳам “расамад” сўзи кадоб меҳмонлар икки-икки сикдан тарқатилганида ҳаммага етарли тақсимланганини аниқлаб турибди.

“Расамад” сўзнинг “тартиби билан” деган маъноси йўқ. “Расамад” сўзи ясалган “расилдан” фелъининг ҳозирги замон ўзати “рас” (ет, тег), “рас-ам-ад” вужудга келади. Сўзнинг тугал шакли “расамад”ни ўзбек тилига айнан ўғирса “етаманлик”, “тегаманлик” маъноси келиб чиқмади. Лекин бундай ифода ўзбек тилига тўғри келмайди, шунинг учун биз уни соддагина қилиб “етарлилик” деб ўтириб қўя қоламиз. Бинобарин, бу сўздан ҳеч қанақасига “тартиби билан” маъноси аниқлашилмайди.

Демак, тилда сўзнинг умуман қўлланиши эмас, балки тўғри қўлланиши аҳамиятга эга экан. “Расамад” — муомалада кам ишлатилган сўз. Лекин бу сўз ўз ўрнида ишлатилса, унинг фаолият доираси кенгайиши, у фаол қўлланилган сўзга айланиши мумкин.

Нусратулло ЖУМАХУҶА,
филология фанлари доктори

ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИ АРАБ ТИЛИДА

1969 йили Қувайт давлатида “Жаҳон театри” номи билан ташкил этилган туркум нашрлар кейинчалик “Жаҳон бадий ижодиёти” номи билан атаб бошлаган. Бу туркумда дунёнинг турли халқлари адабиётлари намуналари китоб тарзида тез-тез чоп этилиб турибди. Ана шу давр ичида бу туркум орқали араб халқи жаҳон адабиёти билан танишиб келмоқда. Мисол тариқасида “Бразилия ҳикоялари”, Амрифта Притамнинг (Ҳиндистон) “Хавонинг икки юзи” асари, “Ез чечакчи” номли япон ёзувчилари ҳикоялари, “Ҳозирги замон турк ҳикоялари”, “Етти ёл, етти қисса” номли эрон ёзувчиларининг ҳикоялари ва бошқа қўллаб халқлар адабиёти намуналарининг араб тилига қилинган таржималарини айтиб ўтиш жоиз.

Ўтган 2009 йили Қувайт давлати Маданият, санъат ва адабиёт миллий кенгаши томонидан “Танланган ўзбек ҳикоялари” китобининг нашр қилиниши ўзбек-араб малайини алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида яна бир қадам бўлди. Қувайтда нашр этилган ушбу “Танланган ўзбек ҳикоялари” тўпламининг тузувиши, таржимони ва ундаги сўзбоши ҳамда изоҳлар муаллифи шарқшунос Муртазо Сайдуллоев тўпламга XX аср ўзбек адабиётининг ҳикоя жанрига мансуб энг яхши асарларни танлаб олган. У кириш сўзида араб ўқувчиларини ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиши, тўпламдаги асарлар мазмуни ва ўзбек ҳикоя жанрининг йўналиши ва тараққиёт босқичлари билан таништирди.

Китобга Абдулла Қодирий, Чўлпон, Гафур Фулом, Абдулла

Қаҳҳор, Саид Аҳмад сингарини алоқаларимизнинг, таниқли ёзувчиларимиздан Носир Фозиллов, Омон Ҳуқтор, Ўткир Ҳошимов, Улмаас Умарбеков, Фарҳод Мусаёнов, Ойдин Ҳожиёва, Тоҳир Маллик, Тоғай Мурод, Хайридин Султонов, Хуршид Дўстмуҳаммад, шунингдек, навқирон ижодкорларимиздан Улуғбек Ҳамдам, Нормурод Норқобилов ва Наргиза Гуломованинг ҳикоялари киритилган.

Ҳар бир ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумотлар берилган. Шунингдек, зарур ўринларда таржимон, ўқувчига тушунарли бўлиши учун, баъзи сўзларга изоҳ берган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қувайтда нашр этиладиган “Жаҳон бадий ижодиёти” туркумидаги китоблар, жумладан, “Танланган ўзбек ҳикоялари” тўплами ҳам барча араб мамлакатларига тарқалади. Мазкур китоб араб китобхонлари, адабиётшуносу ва мунаққидлари эътиборига тушгани қувонарли ҳол. Бу тўплам ҳақида бир неча газета ва журналларда тақрирлар ёзлон қилинди. Жумладан, мисрлик ёзувчи Билал Рамазон “ал-Ивам ас-Сабъ” газетасидаги “Жаҳон бадий ижодиёти” туркуми ўзбек ҳикояларини тақдим этади”сарлавҳали мақоласида “Танланган ўзбек ҳикоялари” ҳақида ўқувчиларга хабар бериб, таржимон томонидан ёзилган сўзбошидан баъзи кўчирмалар-

ни келтиради ва араб ўқувчиларини бу китобни ўқиб чиқишга даъват этади. Суриялик адиб Рим Бадридин шундай ёзди: “Бу тўплам яқин ўтмишда соибқ совет ҳукми остида бўлишига қарамай, ўз маданияти, миллий тили ва ислом динини сақлаб қола олган халқ ҳақида ҳикоя қилади. Инсоний тақдирлар тасвирланган ва асарлар тўплами араб тилига юксак маҳорат билан таржима қилинган”.

Сурияда чиқадиган “ал-Баас” газетасининг “2009 йили мен ўқиган ва менга ёққан энг ўзгал китоб” рўқнида эълон қилин

Антонина ИШЛИНА

ҚУЁШИНГГА ЖОНИМ ПАЙВАСТА

Ўзбекистоним

Она Ватанисан, Ўзбекистоним!
Оташ қуёшингга жоним пайваста.
Даламда буғдойим, пахта хирмоним,
Куз туҳфа айлайди олтин гулдаста.

Январ кумуш либос кияди мудом,
Ялло кечасида ҳеч ким юммас кўз.
Қор остида қийғос гуллайди бодом,
Бўйи бирла сочи тенг сулув — Наврўз.

Уй эшиги, одам қалби бўлмас қулф,
“Хуш келибсиз, меҳмон”, “Келинг, марҳабо!”
Ишқомда бедана сайрар бўлбулдуф,
Қовун ҳилларини таратар сабо.

Она Ватанисан мисоли жаннат,
Ҳилол — Ойнақўлда юзаётган роз.
Кўёш нурларини сочар беминнат,
Меҳри жуда қайноқ ҳароратли ёз.

Ёз оқшоми

Ёз оқшоми жонга хузур,
Ой жамоли
Қия боқиб эслатади қийқ кўзни.
Кўёш ботгач
Сайр айлаган ёз шамоли
Илиқина кафти билан
Силар юзни.

Денгиздек бепоеён осмон
Берган самар —
Гуруч каби сочилгандир
Чексиз юлдуз.
Фавворалар бўйида
Дам олар шаҳар,



Кўчаларнинг шовқинидан
Толган кундуз.

Барглр секин шитирлайди,
Салқин ҳаво,
Киприкларин юмиб
Боғлар мудраб қолар.
Юлдузли тун сеҳри аро
Янграр наво,
Ёз оқшоми
Маҳд эгати чигирткалар.

Митти юлдузча

Шарқ осмони гўё юлдуззор гулшан,
Мен ҳам бир чечакман шу гулшан аро.
Орзум: кўнгиллари айласин равшан
Олис юлдузчадан таралган зиё.

Рус тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси

Озод Ватан жамоли...



Фулом ШОМУРОД

ВАТАНДИР АСЛИДА ҚАЛБЛАРГА ҚЎРҒОН

ҚОЗОН ВА КОСА

Олов ичра ёниб роса,
Куйиб қора бўлмиш қозон.
Қўлдан-қўлга ўтиб коса,
Тоза оппоқ бўлмиш чунон.

Қозон ҳар кун ёниб ўтда,
Тайёрлайди ширин таом.
Коса ишлаб қўл учида,
Ялла қилиб юрар мудом.

Қозоннинг гапга йўқ хуши,
У ишлайди қилмай оҳанг.
Косани-чи, кулмоқ иши—
Қоп-қора дер қозон, қаранг.

Қозон сабаб, билмас коса,
Кун ўтказар яйраб-яйраб.
Агар қозон қайнамаса,
Юролмасди у ҳам “сайраб”...

Ҳар бир одам ўзи — тугал бир олам,
Чор уеунинг бари унда бўлган жам.
Гоҳо сувдай суяқ, гоҳ тупроқдай зил,
Ҳаводай жонбахшу гоҳ куйдирар ҳам.

Сен кимгадир бўлсанг зарур, бу не бахт,
Роҳатига қўшсанг хузур, бу не бахт,
Кўрмасга ҳам кўлларингдан манфаат,
Сўзларингдан бўлса масрур, бу не бахт!

Икки бошли калхат сурати туширилган хос вагонни етаклаган паровоз бир нарсадан қуруқ қолгандек ҳансираб, Самарқанддан саҳар мардонлаб йўлга чиқди. Атрофни аччиқ-сасиқ ҳил босди. Хайрлашаётган баҳорнинг намтоб ҳавосига ўрлаган қора тутун ичра поезд юрди йўлни тусмолаб борарди. Яна сон текканидан ўзида йўқ хурсанд, истемфодаги полковник, суд ҳайъати раиси Александр Николаевич Соколов вагон-ресторанда. Игна ютган итдай ориқ поручик-прокурор ва ҳуқуқ илмидан беҳабар юзлаб аскарлар орасидан танлаб олинган тўрт нафар зобит — ҳайъат аъзолари расининг қош-қовоғига қарайдилар. Ҳайъат баъзи жамийи устида. Қурдагилар Жиззахга юборилган. Шаҳарни тозалаш буюрилган.

Анчадан буён ишсиз юрган, қозонга қоровуллик қилиб қолган полковник яна қўл остига одам берганликлари, унияш эста олиб қолганликларини шу вақтгача сезирмай келган бўлсада, ичига икки томчи кирғач жиловини бўш қўйди. Қўлдан ҳали кўп иш келишини, келгандай катта ва доврўқли ишлар келишини унутмаганликларини ҳар бир аъзога қайта-қайта ўқитди. Ҳазрати Олийларига таҳсинлар ўқиди.

Большой Михайловка станциясида сувхонасини сувга тўлдириб ҳаяллаган поезд яна йўлга тушди. Милютинскийда ўтинхонасига ўтин гамайди.

— Мени шахсан суд ҳайъатига бошчилик этиш учун таклиф қилдилар, — деди, худди бошқалар бунни билмайдигандек. — Судда бу итларни чивиндек эзиб ташлайман. Жиззахнинг ҳар бир даврахтига буларнинг ҳаром жасадини биттадан осиб қўяман...

Ўйинни зўри ё бозорда, ё мазорда бўлади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Катта, зўр ўйинларни сопи ҳамиша ўздан чиқарилган. Хали Жиззах ўрласида киргин бўлмасдан олдин, ўрданинг шундоқ биқинидаги бозорнинг икки қоровули “отасидан қолган мулк”ни бўлиша олмай жанжаллашганди. Бозорни кирди-чиқдисидан топадиган бир парча қаттиқ нон кўп кўринди. Худо урган шундай ношукрлик кунларни бирида ур калтак, сур калтак бошланди. Қоровуллар жанжал нимадан бошланганиниям, нимага Урда ўт ичида қолганиниям билишмади. Бозорда кунда ўн уриш, юз жанжал. Шулардан бири бўлса керак, дейишганди. Кейин билишдики, ўрдалаги жанг катта жанглардан. Бозор кўрганлар бундай кунларда бировни ўйламайдилар. Бошни бирор панага тикқан маъқул, тирик қолса бўлди. Бошқанинг кўзи оқиб тушсаям киприги қилт этмайдиган бозор кўрган қоровуллар жангга ўзларича аралашдилар. Тўғрироғи бирови олдинроқ ҳаракат қилди. Пайтдан фойдаланди. Заг бостан ва тўппончаллиги қолмаган темирни адоватдаги қоровулнинг ҳовлисига кўмди-да, фалончига кўзголонда қатнашган, ҳовлисининг пистон жойида тўппончаси бор деб маъмурларга чакув етказди. Солдатлар келиб кўрсатилган жойни қовлаша, ҳақиқатан ҳам тўппонча чиқди.

Шаҳарга адоғсиз дабдабаю, асаса билан кириб келган суд ҳайъати бошласига шу ишни кўриши, кўзини пишитиши. Оқ пошшо одамларнинг гапини икки қиладиганларни кўзини мошлай очиб қўйиши керак эди. Ҳайъат кўралини ишларнинг гуноҳдорлари кўча, раста, бозорлардан тўтиб келинган, оддий тирикчилик қуйида қуймаланиб юрган кишилар эди.

“Ўта муҳим жиноятчини” солдатлар қуршо-вида олиб кирдилар. Оқловчининг қорасиям кўринмади. Суд бошланди. Тўққиллатиб темир устига қўйилган бир энглик заг бостан темир тўппонча эканлигини фақат уни кўтариб юрганларгина илгашди. Сўров бошланди.

— Тўппонча сеникими?

Собиқ қоровул тўппонча деган нарсани иккинчи бор ақиндан кўраётганидан қўрқиб кетди. Бир марта уйдан ушлаб кетишаётганда қўлига тутқазиб қўйишганди.

— Тўппонча меники эмас.

Тўппончани ундогога, бундоғига айлантириб кўришди. Бир зобитни қақриб, уни ишлаш-иш-ламаслигини текшириб кўришни буюрдилар. Зобит шошиб қолди. Тўппончани ишламаслигига ақли етмайдиганлар қандай суд ўтказётганлиги ҳайрон бўлганлар ивир-шивири залда бир ўрмалаб олди. Оралдан бир соатдан ортиқ вақт ўтди. Ҳайъат бегоқатланди. Яна бир зобитни гап нимадигини билишга жўнатдилар. Сукунат.

Тўппончанинг овози чиқмаётганлигидан бандининг бетига қон югургандек бўлди. Тетикланди. Шунда, шунда бирдан осмону ерни ларага солиб ўқ овози янграб кетди. Назарида худди тўп оғзига уни боғлаб отишгандек бандининг ҳуши қолмади. Ташқарида, қаердадир, қандайдир қуролдан отилган дайди ўқ бехато келиб шакар томирига урилгандек, тик бўй йиқилди. Ҳайъат аъзолари масала ҳал дегандек бир-бирларига рой-ни бериб қаралдилар. Раис икки соатдан буён ниманидир расини солиб ўтирган, китоб беса китобга, супра деса супрага ўхшамайдиган бесуна-йи икки бетли жилдни бир-бирига қарсиллатиб уриб, стол устидаги кумуш кўнғирқочани каштасини келтириб чалганча суд ақунланганини билдирди.

Раис қачондир, нимадандир, жуда қаттиқ қўрқиб юзи йў ҳолатда қотиб қолганини, киприк қоқмаслиги, мудом бақрайиб туриши, томоқ қиришидан заҳар томиши билан ном чиқарган эди. Прокурор саводсизлигини эғнидаги ҳашамдор формаси бекитиб туралди деб ўйлайдиганлардан бўлиб, зобитларни нақшинкор хумларга ўшатганлар хато қилмасди.

Сўроқ пайтида раис бандилардан бир-икки оғиз гап сўраган бўлиб, бошини аввал ўнг томонга, кейин чап томонга буриб, навбатни ҳайъат аъзоларига ҳавола этар, бироқ уларда ҳам гапир-чи истаги топилмасди. Рўйхатга белги, чизик чизиб билан овера эдилар. Прокурор ва ҳимоячининг гапларидан сўнг қўлларидеги қалам билан бандига ўтир ишорасини қилшар, сўроқ навбати бошқасига келарди. Шу зайлда бир кунда режага асосан юз одамнинг ишини кўриш вазифаси зиммаларига юкланганди.

Савол-сўровни қаттиги саводсизда бўлади. Гушта етган итдай навбат прокурорга тегиши билан кўзойнаги ва сап-сарик қоши оралатиб аввал рўйхатга, кейин бандига бошдан-оёқ тик бўйин қараб, қурбақани авраётган илондек бўйини беҳушон қўзиб-қўзиб қўланса-палағда товуш билан ишини бошларди. Оялда банди прокурорнинг саволга тушунмас, қайта сўрашга

журъат қилолмас, қайта сўраш мумкинлигини ўйлаб кўрмаган ҳам ёки жавоб берса-да прокурорнинг найранг тўрига ўз ихтиёри билан бўлмасе-да, қатъий-сизлиги, гўлу овсарлиги ортидан илиниб қолардики, гапирётган гапи ўзига зарар келтираётганлигини фаҳмламасди.

Аммо таржимон прокурорнинг айёрлигини пайқаб қолиб, саволларга шарҳ бериб, авом тушунадиган тилга ўтира бошлайди. Шу тариқа уч-тўрт банди прокурор чангалидан қўтилишга эришди.

Прокурор билди. Энди таржимоннинг кўзига қаттиқ тикилиб, саволларини дона-дона талаффуз қилар, лекин таржимон диққат қаратмас, ишга собит турарди...

Прокурор кўрдикки ов бароридан калмаепти. Таржимонга ташланди.

— Сиз, Мирзо Абдухлоқзода, менимча саволларимни нотўғри таржима қилаясиз. Бир оғиз гапини дoston қилиб етказишни нима зарурияти бор. Гапимга гап қўшмай айнан таржима қилишингизни талаб қиламан!

— Прокурор жаноблари сиз адабий тилда гапирясиз, агар мен гапингизни айнан ва сўзмас-сўз таржима қилдиган бўлсам, қишлоқ одами сизга нима деб жавоб қилади. Агар саволингизни очикроқ, аниқроқ баён қилсангиз, менинг шарҳ бериб ўтиришимга ҳоҳат қолмасди.

— Бу ёғи сизнинг ишингиз эмас! Вазифангиз айнан таржима қилиш, тушундирганими? Сиз менга йўл кўрсатманг! Мен ўз ишимни яхши биламан.

— Кеңирасиз, жаноб прокурор, менинг вазифам саволингизни бандига тушунтириб бериш, токи у саволага тушуниб жавоб бериш, зеро, бу

Ўзбекистон мустақиллигига бағишланади

1916 йил 7 август. Соат ўн икки. Фармон ўқиб берилди. Унга кўра аҳоли биёбонга сурғун қилиниши керак. Қўн қизгандан қизиди. Саллотлар ва отлик қазаклар қилчучу найзаларини яланғочлаб, милтиқларини ўқталди, нота-вонларни тўрт томонга ҳайдаб шаҳар четигада дала, Учтепага тўпладилар. Оч саллотлар аҳолининг охириги бурда нонини қўлдан юлқиб, шу жойининг ўзида кавш қайтарар, бир бурда нони бор одам гуноҳкор саналган кун эди.

Этасидан ихлоси қайтган итдек бўйни эгилган ҳардамхаёл улус отликлар олдига тушди. Балбахт далага юзланган гўдақлар, аёллар ва кесаларнинг оху воҳи оламини бузди. Ташналик азобидан лаблари гезариб судралаётган минглаб қари-қартанг, аёлу гўдақларни осмондан офтоб, ерда тош куйдиради. Олдинда тийёқ ҳам уммайдиған, ўз оти ўзи билан Балбахт дала. Орқада милтиқ ва қилчч ўйнаган саллоту, отлик, Малорсиз, йиқилгани кўндоғ ва тепкин зўри ўзига келтириб кўяр, олтинининг оғзидан “собаки” тушмас, саллоти “сукина дегти” деганча бет-кўзинг демасди.

Асаднинг димқиқан ойи ярми сенга, ярми менга дегандек қиличини тик кўтариб чиқди.

Поездлар жанубдан шимолга сурғун этилганларни, шимолдан жанубга янги ер эгаларини пешма-пеш ташийди. Шимолга кетётган вагонлардан чақиллаб қон, заҳардек ялтйираб зардоб томади. Зардоблар темир изларни тешиб юборгудек бўлади. Поездларнинг қилиги шамолга ёқмайди. Уни таг-туғи билан азот кўтариб ургиси, айниқса энг бошида келатган, қора тутун билан дунёни булгаётган қозонқоринни ёмон кўради. Ичи дарга тўлиб кетади. Дарди чанг тўзон бўлиб осмонга ўрлайди. Тентираб тўрт томонга чопайди. Дарларини дарё тушунади. Дарё дарё бўлиб бунчалик хўрланмагани. Хушини эхсонасидан чиқарган нарса Каттагоннинг қадим арчаларини гораг этилиши, Ўсамат Ота, Навқа Ота, Боғмазор Ота мазоротлари устигача устаниб келган арчазорини бир бошидан кесилиб сувга отилиши эди.

Неча бир босқинда арчалар элни асраганди. Пана бўлганди. Бир туپ тизза бўйи арчани биров кесолмасди. Бир арчада қирқ йилитнинг ризки бўлади деганча эл арчани асрар, арча тоғни бе-зар, шодликлар булоқ бўлиб, қўшиги дарёга оқарди. Каттагоннинг бир шохидан энган сувга Самарқанду Бухоро, бир шохига кунчиқш бетдагилар тирикчилиги қараб қолган. Поездман дегани шакилдоқ илондек билтанглаб келдию ҳаммани ранги ўчди. Эга, эга бўлмасе нега?

Дарё ўз онаси, ўз болаларини оқизиб кетатганидан, қутқара олмаётганидан, қутқаришга кучи етмаслигидан қирғоқларга бош уриб югуради. Аламини кимдан олишга, ҳасратини кимга айтишга ақли етмай қўлига илинганни олиб чопайди. Қирғоқлар этагини тошга тўлдириб ортинда эргашади. Шамол бир дарё бетиде, бир қирғоқларда ялангоёқ изиллайди. Кўз кўрган еридан ажраган, камига етти бўлаққа нимталанган, йўрғадек гўлаланган арчаларнинг дарди бу дунёга сиймайди. Ғуналар сув зотида, пўртаналарда айланшар экан, бир-бирига бош қўйишди гоҳ гирдобда уймаланиб қолишди, гоҳ шариллоқларда юракларини ҳовчулаб, кўзларини чирт юмиб олишди. Хали дарёдан чангака томоғиндан тортиб чиқарилиб, қуритилиб поездларнинг ўчоғига ўтин бўлариям бор. Уанда уларнинг оҳини биров эшитмайди. Эшитган тушунмайди.

Зорланган Сангзор бўлади. Зорлангандан Сангзор зорланди.

Шундай қулларни бирида темир йўлнинг икки чеккасини, сасиқ шпаллар орасини ёриб қизгалдоқлар бош чиқаради. Бир-бирини қўлдан маҳкам ушлаган қизгалдоқлар. Худди вагонлардан чақиллаб томган қонларнинг изиси йўқолиб кетмаганлигини таъкидлагандек қад ростлайдилар. Шамол уларни танийди. Кела-кела юзларини сийлайди. Сувсаб қолган бўлса керак деб шошганча булутни қувиб, олдига солиб келди. Тошлар тақбир айтидилар. Шунда икки тоғдан ўзига ёқа ясаб олган Темир қопқани Илонўти тарафдан қолган паравознинг ҳамма ёқни жийитиб ўтиши бузди. Кўзи ачиб, нафаси тикланган дара ёқа тутамлаганча донг қотайди. Қизгалдоқзор темир тўра қарши олади. Кўрқмайди. Бу бошлар темир изларга қўйилиш учун яратилмаганлигини билдириб қўймоқчи бўлади. Ҳаёли қилади. Ҳаёлида борлиқ алвондан-алвон эмиш. Ҳатто Балбахтдала. Кўпни кўрган шамол яна ўнг эшиклдан умидвор бўлади. Хуриллаб, яна-яшил арчаларни қадимгилек пирираттиси келайди. Дунёларни тентираб-тентираб, айлиниб-айлиниб келаркан йўлма-йўл саболар сочини маҳкам ўриб юпатади, шаббода кўнглини ёрилади. Муштинпардек қилчилабгина турган маҳзун кўнглини кўтарди, гармесини ҳовурдан туширади, сурон солишга силдаси етмай қолган тўзонларга тўзим тилайди, довулга айланмоқ орузидагиларга қувват бўлади, камонларга ўқ бўлиш гайрати билан усаётган новдаларни силлаб-сийлаб ўтади.

Янги Ой — Сунбола элга тинч, ўзига нотинч бўлганча, ақли ахрорга сир улашиб эсини тортади. Катта юлдузлар азалий ўринларида итоат билдириб, ҳурмат ва сукут билан бўйин эгидилар. Йўқолган юлдузлар ўрни ўпирилиб тушган эгасиз очик гўрдек мунғайади. Чархи фалак, олма фалак, отига ярашғи йўлда давом этади. Юлдузларнинг ўтиши йўлидаги тўғри кўтарилиш ҳисобини топши ҳамманам қўлдан келармайди. Чумич юлдуз тўнқариклиқ қозонда юлдуз шопириб тураверди...

Баҳодир ҚОБУЛ Янги ой — сунбула

ерда инсоннинг тақдири, ҳаёт-мамоти ҳақида гап кетаяпти.

— Тақдор айтаман, саволимга илова қилманг, мен нима деса, айнан таржима қилинг, сизни бу ерга таржима қилиш учун олиб келганлар, — деганча қаҳр билан столга мушт солди.

Ҳайъат, бандию соқчилар, текинидан қуриқ қолгандек йилгилан томошабинлар бир чўчиб тушди.

Таржимон суд раисига мурожаат этди:

— Раис жаноблари, мени ҳарбий суд мажлиси таржимонлигидан озод қилишингизни сўрайман. Мен прокурор талабини бажара олмайман ва виждоним олдида гуноҳкор бўлишни истамайман.

Суд танаффус эълон қилади. Кейин маслаҳат хонасига прокурорни чорлади.

— Александр Николаевич, таржимоннинг хатти-ҳаракати жонимга теғди.

— Бу ерда ҳисётга берилмаслик керак, азизим, Василий Петрович, маъмулотингиз, унвонингиз вазифангизга тўғри келмаслиги важдан Тошкентда озмуно одам билан сани манга бориб сизни сўрамагандим. Мана, қўриб туриб-миз, тажрибангиз ҳам ҳаминқадар...

— Александр Николаевич, ўзингиз биласиз бунча одамни айбдор деб топши учун началник охранининг бир протоколи камлик қилади. Биргина гувоҳимиз бор. Лекин, унинг “ганимайман” дейиши ҳам асосизга ўхшайпти. Шунинг учун мен юристча гаплар билан уларни бошини гангитиб, ўз тилидан илтиримоқчи бўлялман. Таржимон эса ишимга халал берайпти, агар у халалқит бермаганди қанчасини тушунгидан илтирирдим. Бундан ўрнига русчани ҳам яхши гапиролмайдиган чаласавод таржимон топганимизда яхши бўларди.

— Василий Петрович, жуда соддасиз-да, нима Тошкент қароринда хабарингиз йўқми? “Бу итларнинг ҳеч бирига омонлик йўқ” деган гапни эшитмаганмисиз?

— Қандай хабарим бўлмасин. Юристлик маҳоратингни ишга сол деган эдингиз, шунга амал қилиб...

— Яхши, тайинлаганимдек, чалкаш саволлар билан чалғитинг, гапга олинг. Прокурор деган номингиз бор. Русчани тушунмайдиган маҳаллийларга эътибор қаратмайман. Сиз ҳам шундоқ қилинг, бироқ русчани биладиган адвокатлар ва томошабинлар чақоқ. Улар қанақа одамлигини билди бўлмайди, лемакки, ишонинг ҳам. Мабоодо масала қандай ҳал бўлаётганининг исини олсалар ҳукумат шаънига бўлмагур овозалар тарқатадилар. Албатта, ҳукумат бундайлардан қўрқмайди, лекин ҳарбий судимизнинг нозик жиҳатлари бор. Тушунгангизми? Қанчалик оғир бўлмасин, таржимондан кечирим сўрайсиз. Бу шахсий иш эмас, умум иши. Умумга фойда келтириш учун шахсийнинг баҳридан ўтиш керак. Шу ишингиз билан очилган пардани ёпган бўласиз, — деди дўлтабурдай йўзу босиқлик билан.

Авалгига йигирма мингдан зиёд эркак зоти сўроқ-сўровсиз ўққа дучор қилинган, кейин ўқни ҳам ҳайф ҳисоблаб совун суртилган дорларга тортилгани сабаб шаҳар ва шаҳар атрофи бўри талаган қўралек хувиллаб қолди. Кундуз кунни ҳам қидириб қари чол ва норасида гўдақлардан ўзга эркак зоти топилмас бўлди. Қочгандан қирилган кўп бўлди. Этасиз экинзорлар ер билан битта бўлиб ётар, ишлашга қурби етганларнинг илингани ўлдирилган, қочгани бедарак, ушлангани турмада, суд бўлгани Сибир, “омади чопгани” мардикорликка олиниб, уч-қири йўқ ўрмонзорларнинг галой топмас, борса келмас хилватларга жўнатилган эди. Шаҳарни ушланган жойидан вагонларга урилган дайди-лудий, оч-яланғоч, соч-соқоли битлаб, ҳал деймай етиб келадиган мухикаларга бўшатилиш лозим.

Жиззах шаҳри, Бойдон ва Сангзор вулусларида қариялар ёши қайтганлар, аёллар болалардан бўлак кўзголонда иштирок этганли-

Дилноза Кубаева ҳали талабалик йилларидаёки самимиёти ва соф ўзбекиона жазибаси билан мухлислар назарига тушган, айни пайтда касб маҳоратини улуксиз ошира бориб, ижодий имкониятларидан янада кенгрок фойдаланишга ҳаракат қилаётган истеъдодли актриса саратан. Шу боис сўхбатимизни талабалик даври ва бугунги жараён тўғрисидаги фикрлардан бошладик.

— Талаба Дилноза билан бугунги Дилноза Кубаева орасидаги тафовут нимада?

— Фарқ у қадар катта бўлмас керак, деб ўйлайман. Фақат дунёқараш қай даражададир ўзгарган бўлиши мумкин. Бу табиий ҳол. Яхши-ёмон кўнлар барибир руҳиятингизда ўз изини қолдириб боради. Ҳаётнинг ўзи муаллим дейди-ку! Талабалик йилларини қўймайман... Театрда ҳаёт бошқача. Режиссёр топширигини фахмлай олсанг эплдинг, бўлмаса — йўқ! Деярли ҳар кунни ўзинг, нимадан ўтказасан. Мен учун энг муҳими — бизни ўз бағрига олган Миллий театр кекса авлодининг хайрихоҳлигини сезиб тураман...

— Санъатга кириб келганингизга ҳам бир неча йиллар бўлиб қолди. Энди сиз этюдлар билан кифояланиб қоладиган талаба эмассиз. Профессинал актёрларнинг партнёри сифатида сизни театрдаги ижодий жараён қониқтирадими?

— Албатта, жараёндан юз фоиз қониқаман, деб айтмайман. Чунки маиший мавзудаги асарларимиз нисбатан қўпайган. Лекин бу ҳусусда батафсил тўхталишни истамайман. Эҳтимол, ҳали анча

ларим, назаримда, ёмон бўлмади. Кўриб турганимиздек, воз кечадиган ролим ҳам йўқ. Ҳар бирининг дарди ўзимники бўлиб қолган. Лекин кино ва телесериалларда ҳеч иккинмай воз кечадиган ролларим бор... номини айтмайман. Кўнглим бунга йўл бермайди. Чунки уларни ижро этишга ҳеч ким мени мажбурламаган.

— Дилноза, ҳар қанча гайритабиий туолмасин, салбий ролни ўйнашдан қўчиладиган актёрлар ҳам бор экан... Сабаби, ҳалқнинг назаридан қолармиш...

— Яқинда бўлиб ўтган ижодий уч-

Дилноза КУБАЕВА:

ҲАЁТ ТАЖРИБАСИ ЎЗИ БИР МАКТАБ

рашувда томошабинлардан бири: "Сиз салбий рол ўйнаманг! Биз сизни ёмон кўриб қоламиз", деди. Нима дейсан? "Хўп, раҳмат" деб қўясан, холос. Ҳақиқатан, агар мен шунга амал қилсам, бу билан ўзимнинг заифлигимни тан олган бўламан. Шахсан ўзим салбий ролларни ўйнашни хоҳлайман. Актёрнинг яширин имкониятлари асосан салбий қиёфалар талқинида очилади. Рол қанақа бўлишидан қатъий назар,

ровни олқишлаши мумкин.

— Томошабини бевафол деб айтмайман. Устоа санъаткорлар мисолида кўриб туришимиз, агар сиз ҳалқ меҳрини суиистеъмо қилмасангиз, сочга оқ, юзга ажин тушганда ҳам у ҳаммиша сиз билан бўр. Бугунги ҳар хайри иш эртага ўз самарасини беришига ишонманам.

...Лекин ҳамма нарсага руҳан тайёр туриш керак. Эҳтимол, биз билан бирга улғайган бугунги томошабин ҳеч курс, эртага менинг қиёфамда ўз ёшлиқларини кўриб энтикар... Яъни улқининг ҳам даври мен билан ўтади-ку!

— Актёрлик касбини бир сўз билан қандай ифодалаган бўлар эдингиз?

— Актёрлик — бу машаққат! Машаққат бўлганда ҳам, ўзинг бутун борлигиндан кечиб қилган бедор изланишларинг эвазига ортидан эътироф ва эҳтиром келадиган лаззатли машаққат, деб ўйлайман.

— Айни кунларда сиз имкониятларингизни уч йўлда — театр, кино ва дубляжда синовдан ўтказаясиз. Актёр учун буларнинг ўзига хослиги нимада?

— Ҳозир мен ўрганапман. Учала жараёнда бир-бирига ўхшамаган образларда ўзимни синаб кўраяпман. Театрда берилмаган имконият кинода учрайди. Кинода учратмаган ҳолатда дубляжда рўбарў келишингиз мумкин. Лекин театрни севаман... Театр ҳақиқий мактаб вазифини ўтайди. Кинода эса... суратга олиш майдончасида ҳамма сизга гўё: "Ҳа, Фалончи Фалончиева, қани, нималарга қодирсиз, кўрсатинг-чи?", деб қараб тургандек. Гўё ўзингни етук актёр келишига ўйнасан. Ҳатто айрим режиссёрлар "Фалончихон", дея ботинолмай туради. Театрда эса сиз "Фалончихон!" эмассиз. Режиссёрнинг синчков нигоҳи қаршисида ёш болага айланасиз-қоласиз: "Сенинг сохта севгинг менга керак эмас, кўзёшларинг ёлгон, ишонмайман! Овозга зўр бергунча юракни ишлат!" Шунинг учун ҳам спектаклда озгина хато қилгудек бўлсам, кўркмайман, аксинча ўрганаман, репетиция жараёнлари биз учун дарс...

Дубляж эркин жараён. Режиссёр танбехига бергани "ҳозир"нинг ўзи кифоя. Бироқ бу ҳам мураккаб. Ихтиёрингизда фақат микрофон ва қоғоз. Шу билан бутун бир характерни чиқариб беришингиз керак.

— Оруннингиздаги қаҳрамон...

— Биласизми, аслида мен "мана бу тоифадаги аёлларни ижро этишни хоҳлайман ёки орузим фалон қаҳрамон", каби ҳаёлларга қўл берилмайман. Фақат, қанақа рол бўлишидан қатъий назар, бу образ орқали "Мен нима демокчиман", шунинг учун ётсам бўлди. Қайғу ортидаги бахтни ёки бахт ортидаги дардини ҳис этишим керак. Албатта, талабалик пайтларимда мен ҳам "Алишер Навоий"да Гули образида саҳнага чиқишни оруз қилганман. Лекин ижодий фаолиятим давомида

тушуниб етдимки, орзунинг амалга ошиши учун имконият ҳам бўлиши керак экан. Ҳозир ҳам дилмига туккан баъзи ниятларим бор.

— Қайси актёрлар ижоди сизда ҳавас уйғотган?

— Лутфиҳоним Саримсоқова, Марям Ёқубова, Зайнаб Садриева ва Икром Болтаева ижросидаги табиийликни кўрганимда фақат "Қойил!" дейман-у, бошқа таърифга ўтолмайман. Ишга шу қадар зарғарона ёндашишганки, соддалик ортида яширинган бой ички оламнинг ранг-баранг товланиши ҳаммиша ҳайратга солади. Актёр ўзини ҳаёт тажрибасининг ўзи ҳам катта мактаб экан.

— Айни кунларда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинаётган "Кечиккан ҳаёт" филмида бандсиз. Ўйлаймизми, бу сизнинг ижодингизда ўзига хос сабабми...

— Ҳа, бу "Кичкина одамлар"дан кейин катта кинодаги иштироким бўлди. "Кечиккан ҳаёт"нинг сценарийсини ўқиганимданок менга ёқди. Дастлаб бош қаҳрамон Шаҳодат мен учун бегонадек туюлди. Дунёқароши кенг, жуда замонавий, жамиятнинг олди аёли! Табиийки, бундай қизлар ўзига яраша феъл-атворга эга бўлади. Ўзимга ишонмадим, шекилли, аввалида "Йўқ-йўқ, мен барибир синовдан ўтолмайман" дедим. Кейин ҳаммишагидек актёрлик касбининг алифбоси "Агарда..." га таяниб: "Дилноза, сен журналистсан, хусусий наشريёт эгасансан, тақдир тақозоси билан гирт тўпори йигитга турмушга чиқдинг, бир-бирингни тушунасан, ўшанда қанақа ҳолатга тушасан? Яна у тагин сенга "Кет!" деб турса, аёллик туйғуларинг қанақа туғенга келарди", деган талабни қўйдим. Ҳамма нарса ниҳоятда шунинг ичиде бўлиб қолди. Шаҳодат ҳаёт билан яшай бошладим. Ҳозир менда ҳам ҳаяжон, ҳам соғинч, кўркүв ва масъулият бор. Касбимизнинг лаззатли томони шунда. Ўзи аслида бу рол учун бошқа актёрларга омад тилашга ўзимни руҳан тайёрлаб турган эдим ҳам... қутилмаган ҳол бўлди. Партнёрим — Бобур Йўлдошев! Филм режиссёри — Аюб Шаҳобиддинов. Бу бизнинг "Телба"дан кейин, иккинчи учрашувимиз. Кўриб турганимиздек, ижодий гуруҳ асосан ёшлардан иборат.

— Нима деб ўйлайсиз, тенкурларингиз бугунги имкониятлардан етарлича фойдалана оляптими?

— Қайси соҳани олманг, ёшларга эътибор ниҳоятда зўр! Шахсан ўзим ҳам истиқлол даври фарзандиман, ўқийман ҳам, ижодий фаолиятим ҳам мустақиллик айна оёққа тураётган даврга тўғри келди. Ҳозир бизда баракали ижод қилиш учун барча шарт-шароитлар етарли. Истеъдодли кишиларнинг кўпчилиги "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Келажак овози" лойиҳаси асосида кўп эзгу ишларни амалга оширяпти. Ўзим мисолида айтадиган бўлсам, бугун санъатда озми-кўпми нималаргадир эришган бўлсам — бунинг бари берилётган имкониятлар, яратилган шарт-шароит тугайли. Шубҳасиз, мен ҳам истиқлол даврининг бахтиёр фарзандлариданман.

Шаҳноза НУРМАТОВА
сўхбатлашди



СЕРҚИРРА ИЖОД СОҲИБИ

Богот туманининг Қизилравот қишлоғида туғилган Матназар Худойназаров оиланинг кенжа ўғли, эрка фарзанди бўлишига қарамай, қўшни болаларга ўхшаб, бўлар-бўлмасга кўча чанги-тиби юрмас, онаси билан далага чиқар, уй юмушларига қарашарди. Кўпича радиодан таралган куй-қўшиқларни жон қулоғи билан эшитар, айниқса, мақом йўлларидagi қўшиқларни севиб тинглар, уларга қўшилиб ҳамоҳанг айтишга интиларди. Мактабнинг бошланғич синфларида ўқиб юргандаёқ, қўлига йилган уч-тўрт сўмга балалайка сотиб олиб, илк бор машур "Феруз" қўшиқининг бошмаласини чулган. Кейин таниқли хофиз Комилжон Отанёзовнинг Ватан ҳақидаги "Бўлим омонда" ватан бошқа қўшиқлари айта бошлаган. Биринчи урғиси — амакиси Жаббор Жуманиёзов хиянининг соза, қўшиқчилик санъатига илоҳонландирини кўриб, унга алоҳида эътибор бера бошлайди. У киши ўша пайтда маданият уйида созада бўлиб ишлаган. Матназар 7-8 синфлардаёқ Маъмуржон Узоқов ижро этган "Якка бу Фарғонада", Матниёз Юсуфов ижросидаги "Қора сочин" каби қўшиқларни амакиси ёрдамида келиштириб қўлай бошлаган.

Шу вақтда Боготда ўтказилган ҳаваскорлар кўриғида Фурқатнинг "Фигонким", Чокарнинг "Мустаҳзод" қўшиғи билан мактаблар ўртасида биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига ўтади. Вилоят кўриғида ҳам биринчи ўринни эгаллайди. Донишмандлар, кишининг мустаҳкам қалқони — бахти қулиб боққани, деб бежиз айтишмаган. Амакиси боис, қариндошининг тўйида Ўзбекистон халқ хофизини Кувондик Искандаров билан учрашув Матназарнинг кейинги ҳаётига жуда катта таъсир кўрсатди. Кувондик ака шу тўйда Матназар ижросида "Дугоҳ 1" ва "Куйғай" қўшиқларини эшитибку, уни шогирдликни юкори синфида ўқийдиган бола учун жуда катта муқофот эди. Мактаби тугатиб, Самарқанд бўлими билан юртининг рубоб бўлимига ўқишга киради. Билим юртини тугатиб, бир ҳаёли консерваторияга ўқишга кирмоқчи бўлади, лекин Хоразмга қайтиб М.Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юртининг вокал курсига ўқишга қиради, сўнг консерваториянинг вокал курсида ўқишни давом эттиради.

Обрунинг илдизи — хулқ, деганларидек, Матназар Тошкент санъат олимпиада ўзига яраша мактабга эришиди, эл-юрт назарига тушди. Консерваторияни тугатган, аввал Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Раҳимова бошчилигидаги "Лазги" ансамблида ишлади, сўнгра яна бир урғиси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдушариф Отажонов даввати ила ўзи ўқиган Урганч мусиқа билим юртида вокал

бўйича дарс бера бошлади. Хоразм мақом назарининг моҳир ижросиси, йазуриёчиси, тадқиқотчиси Матназар Худойназаров куйлар басталади, катта ижодий ишлари эса 70 йиллик умрининг маъмули самарасидир. Устоз "Мақом санъати устаси", "Гулистоним менинг", "Анъанавий яққон қўшиқчилик" каби асарлар ва қўлла мақола-лар муаллифидир. У ижро этган қирқдан зиёд мақом йўнқлишидаги ва лирик қўшиқлар Ўзбекистон радиосининг олтин фондида ёзиб олинган.

Устознинг мураббийлик фаолияти ҳам ибратли. 1986 йилдан Тошкент давлат Маданият институтида "Яққон қўшиқчилик", "Гуруҳда қўшиқчилик" фанларида сабоқ бериб келди. Ҳолоқлиги, меҳнатсеварлиги билан талабалар ва инсти-тут жамоасининг хурматиға сазовор бўлди. Билимдон, тиниб-тиничмас хофиз 2000 йилдан бўён Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ашулчилик мутахассислиги" ва "Анъанавий ансамбль" фанидан дарс беради. У айни пайтда Консерватория профессори.

Матназар Худойназаров туғилган Қизилравот қишлоғи икки қум оралиғида жойлашган гўзал маскан. Ҳар гал ушбу қишлоққа йўлни тушса, Хоразм қўшиқчилик санъатидаги гаройиб ҳодиса кўнглидан ўтади. XIX аср катта хофизларнинг қўнчилиги, воҳа микёсида олиб қаралса, Хивада, Хонқада ва Хазорасида дунёга келганлар: Мадрахим Шерозий, Хожижон Болтаев, Комилжон Отанёзов ва бошқалар. Биргина Қизилравот қишлоғида уч нафар катта хофиз туғилган — Ўзбекистон халқ артистлари Отажон Худойшукров, Сабқ Отажонов ва битигимиз сабабчиси, Матназар Худойназаров. Қизилравот ўша пайтларда Хазорасп туманига қараган. Қўшиқчиликда нафаслари бир-бирларига яқинлик ҳам тугилиш жойига қўнай-яд бўлса не ажаб.

Етук шогирдларсиз етук устоз бўлмаслиқ азалдан маълум. Ҳозиргача Матназар Худойназаров элликан зиёд шогирд етиштирди. Улар орасида Ўзбекистон халқ артисти Гулор Раҳимова, Ўзбекистон халқ хофизини Орол-мирозо Сафаров, Қоракалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов, иқтидорли, хушовоз хонандалар Очил Матжонов, Гулсара Гойипова, Гулзода Худойназарова, Шерозд Машарипов ва бошқалар бор.

Мусиқий меросимизнинг ривожланиши ва келгуси авлодларга тўла етиб бориши санъат жонқурларимизимизда. Бу вазифа адо этиш қилишдан фидойилик ва катта масъулият талаб этади. Матназар Худойназаровнинг серқирра ижоди ва ибратли умр йўлини кузатган инсон қалбида ана шундай туйғулар кенди.

Комил АВАЗ



СУРАТДА: "Кечиккан ҳаёт" филмининг суратга олиш жараёни Хусан ПИРМУХАМЕДОВ олган сурат

ёш шогирд бўлганим учун ҳам устозларимга гард юқтиришни хоҳламаман...

— Агар ҳар бир актёр илгарийўнган ролларига холисона назар ташласа, ижодий бисотидан кўнгли тўлмаслиги мумкин. Баъзида шундай иқдорлар қулоққа қалинади: "Қанийди, имкон бўлганда эди фалон ролларимдан воз кечган ёки асарларимни йўқотган бўлардим". Сиз бу ҳақда нима дейсиз?

— Фаолиятим бор-йўғи 2004 йилдан бошланган бўлса, театрдаги ролларим ҳали кўп эмас. "Андийали келинчақ", "Бир қанотлилар", "Омонат дунё", "Ҳасрат боғи", "Рустам", "Сенсиз ўтмас кўнларим" каби спектакллардаги рол-

юклатилган вазифани бажариш учун ўзимиздаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз керак. Мен, лозим бўлса, экранга хунук қиёфада чиқшдан кўркмайман. Фақат ролимдаги ички мантиқ бузилмаган бўлса, мен шунинг учун ижро этсам бўлди. Мантиғи бузилган силлиққина ижодий қиёфада чиққандан кўра, актёр учун бую манба вазифини ўтаб, психологик тугунчаларни елмишга ундайдиган, мақсадни аниқ сабабни ўстида ишлаган афзал.

— Назаримда, томошабин муҳаббатига ишониб қолиш, гўё бир шарпага суянишдек. Бугун сени кутлага қўлар, эртага бошқа би-

лаб ўтмоқчимиз. Санъат ва маданият олий ўқув юртиларида, Миллий университетда, лицейларда бу йўналишда алоҳида факультетлар, бўлимлар очилган, талабаларга тажрибали педагоглар сабоқ бераётгани бежиз эмас. Бил-

Куюнчақ газетхондан хат

нобарин, ҳар йили қанчадан-қанча талаба санъатшунос-журналист ихтисоси бўйича қўлига диплом олади. Бироқ шунча йиллардан буён яққ этиб кўзга ташланган ёш санъатшунос-танқидчи етишиб чиқмаётгани таажубли ҳол. Наҳотки, шунча битиратганлар ичиде матбуотда ўткир профессионал мақола билан чиқшга қодир мутахассис топилмас! Ёшлар ўзларига берилаётган имтиёз ва имкониятдан унумли фойдаланиши учун нима тўқинлик қилади. Ахир, бу каби факультет ва бўлимларга иқтидорли ёшлар ижодий имтихон топириб кирадилар-ку! Улар олий ўқув юртини битирганларидан сўнг ижод қилишларига нима Ҳалақит беради?

Буларни ёзаётганимиз сабаби, янги ўқув йили бошланиши арафасида турибмиз. Қўлла талабалар қўлларига бакалавр ва магистр дипломларини олиб, катта ижод остига қадам қўйдилар. Уларнинг ўрнига иқтидорли ёшлар талаба деган номга сазовор бўлиб, қўлига қабул қилиндилар. Биз ўша битирувчиларнинг фаолиятлари ҳам эътиборда бўлиши, давлатимиз талабаларга сарфлаётган моддий маблағлар ва маънавий гамхўрлик тезроқ ўз самарасини беришини истардик. Амалда фаолият кўрсатаётган энг ёш санъатшунос-журналист билан бугун ижодга қадам қўйган ёш истеъдод орасидаги фарқ у қадар катта бўлмаслиги керак, деб ўйлаймиз.

Камола АХМАДЖОНОВА



МЎҒУЛИСТОНДА ЎЗБЕКЛАР КЎРҒАЗМАСИ

Яқинда Улан-Батор шаҳрининг Мўғулистон замонавий санъат миллий галереясида "Ўзбек фотографиясининг 125 йиллиги" кўрғазмаси очилди. Кўрғазма Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Бадий академия ва Мўғулистон Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбек фотосанъати намуналарини Европа ва Шарқ оmmasига намойиш этиш мақсадида ташкил қилинган мазкур кўрғазма Россия, Хитой, Япония, Франция, Бразилия, Люксембург, Германия ва Украина каби дав-

латларнинг буфузи галереяларида муваффақият билан ўтказилди. Бундай катта кўрғазмани ташкил этиш ва ўтказишда, айниқса, Ўзбекистон Бадий академияси ва Тошкент Фото уйининг ўрни катта. Мўғулистонда ташкил этилган навбатдаги кўрғазма экспозициясидан ўзбек фото усталарининг турли йилларда яратилган 50 га яқин асарлари ўрин олган. Улар орасида ўзбек фотографиясини асосчиси, бадий суратчиликнинг ёрқин устаси Худойберган Девонов, бетакдорини фотосурат Пенсоннинг ишларини кўриш мумкин.

Шунингдек, кўрғазмада ўзбекистонлик фоторассомлар Владимир Соколов, Рустам Шагаев, Виктор Ан, Владимир Жирнов, Константин Минайченко, Турсон Алининг асарлари ҳам намойиш этилмоқда.

— Ўзбек фотографиясининг 125 йиллиги кўрғазмаси мўғулистонлик санъат ихлосмандларига Ўзбекистоннинг бой ўтмиши ва бунёдкор бугунги кунига онд фотография билан танишиш имконини берди. — деди Мўғулистон Ташқи ишлар ва савдо вазирлигининг қўшни давлатлар билан ўзаро алоқалар бўлими бошлиғи О.Эвкхтор. — Умид қиламизки, Ўзбекистон Республикаси билан санъат доирасидаги алоқаларимиз ҳар жиҳатдан фойдали ва самарали бўлади.

Ўз ахборотимиз.

